

жаноб генерал-порутчик қайси асосларда фойдаланса у киши ҳам худди шундай имтиёзларга эга бўлади.

17. Жаноб генерал-порутчикнинг обер-директор, директор, шерик, вакил ва приказчилик навозимларига қўшимча равишда яна беш киши олишига (уларга унвон бериш, шамшир тақишларига рухсат бериш, гражданлик хизматидан бўшатиш ҳақида 15-пунктда кўрсатилганидек, ҳукумат сенатига ахборот берилди) рухсат этилади. Шундай қилиб, мазкур савдодаги хизматчилар сонини ўн нафар бўлади.

18. Мазкур савдода тегишли бўлган ҳамма жиҳатларни кўзда тутиш ва ишлаб чиқиш лозим. Ҳозирги вақтда савдо олиб бориладиган жойларда тегишли тарзда тартибот ўрнатишни таклиф қилиб бўлмайди. Умид қилиш керакки, муайян тартиб ўрнатилгунинга қадар савдо-сотиқнинг боришига қараб баъзи афзал жиҳат ва ҳолатлар юзга чиқиб қолиши мумкин. Агар юқорида айтиб ўтилган қонун-қондалар ўрнига бошқа хил қонда-қонунлар туғилиб қолса ва улар мазкур савдо-сотиқни яхшилашга ёрдам берса, жаноб генерал-порутчик бу ҳақда ҳукумат сенатига таклиф-топширишни лозим. Ҳукумат сенатининг тасдиқидан ўтган бундай таклифлар амалда жорий этилади ва узоқ вақт ўз кучини сақлаб қолади.

19. Мазкур жаноб генерал-порутчик ва кавалер ўз аризасида кўрсатишича, 1759 йил июль ойида Астрахань губерна маҳкамаси Астрахань денгиз кемачилиги компаниясига ва Максим Татушев, Иван Буннатов ва Реваз Залиев деган армени савдогарларга Астрахандан Манқишлоқ томонга, ундан Каспий денгизининг чап қирғоғидаги жойларга немис ва рус товарлари ортилган бешта денгиз кемаси юборишларига ижозат берган. Бундан ташқари, ўша губерна маҳкамаси Каспий денгиз чап қирғоғидаги жойларда мазкур савдонинг нормал фаолият юргизишига ҳалақит бермоқда. Шунга кўра, жаноб генерал-порутчик мазкур кемаларни у ёқларга ўтказмасдан тўхтатиб қўйишни илтимос қилади. Шунинг учун ўша кемачилик компаниялари ва армениларга, шунингдек, бошқа кишиларга ҳам Астрахань портидан Каспий денгизининг чап қирғоғларидаги жойларда савдо юритишга йўл қўйилмайди. Жаноб генерал-порутчикнинг шериклари ва вакиллари Астрахань губерна маҳкамаси томонидан хафа қилинишларига йўл қўйилмайди. Гарчи жаноб генерал-порутчик ўз аризаси ҳамда Астрахань портидаги божхонанинг ҳукумат сенатига берган 1759 йил 18 июль тарихли маълумотидан мазкур кемачилик компанияси ва армениларга қарашли кемаларнинг денгизга чиқарилмаганлиги тасдиқ этилса-да, Астрахань портидаги божхонага ва Астрахань губерна маҳкамасига мазкур кемаларни Каспий денгизининг чап қирғоғидаги жойларга мутлақ юбормаслик тўғрисида фармон юборилсин...

Каспий денгизининг чап қирғоғларида олиб бориладиган савдонинг генерал-порутчик, граф Воронцов жаноблари ихтиёрига топшириш ҳамда Оренбург орқали мазкур жойлар билан савдо қилиш ман этилганлиги тўғрисида 1759 йил 11 июлга Астрахань губерна маҳкамаси ва божхонасига ҳукумат фармони аллақачоноқ юборилган эди. Бундан буён Астрахань губерна маҳкамаси жаноб генерал-порутчик шериклари ва вакиллари раи ранжитадиган ишларга мутлақо йўл қўймасин ҳамда мазкур савдонинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, муҳофаза қиладиган чораларни амалга оширсин, акс ҳолда фармон асосида муқаррар жавобгарликка тортилсин ёки штраф тўлатилсин. Юқорида баён қилинганларнинг барчаси тегишли жойларга маълум қилинсин ҳамда ушбу фармон жаноб генерал-порутчик, граф Воронцов ва унинг компанияси маълумотига юборилсин<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> ГААО, ф. 681, оп. 1, д. 15, лл. 79—83, ЦГАДА СССР, ф. 214, д. 1408/6549, лл. 1—8.

## ХИВА ХОНЛИГИ Тўғрисида тўпланган маълумотлар<sup>1</sup>.

### Чегараси

Хива хонлиги деб аталадиган ўлка, аслида, Амин ёки Амударё қўйи оқимининг ҳар икки томонидаги аҳоли яшайдиган жойлардир. Хонлиқнинг жануб томони мазкур дарёнинг ҳар икки қирғоғи бўйлаб чўзилиб кетган тоғларга тутшиб боради. Ғарбда чўл, қумликлар ҳамда Устюрт яйлови билан, шимолда Орол денгизи, шарқда эса Амударёнинг ўнг қирғоғидаги қумлик ва чўллар билан чегараланган. Хонлиқ тасарруфидаги бу ерлар шимолдан жанубгача 300 чақиримдан зиёдроқ, ғарбдан шарқгача 100 чақирим бўлган масофани ташкил қилади.

Бироқ Хива хони ўз давлати чегарасини Сирдарё бўйлаб, то Қўқон хонлигининг ерларигача, ундан нари Амударё қирғоқларида жойлашган Бабакли деган жойгача чўзилган деб ҳисоблайди. Хивадан Бухорога олиб борадиган йўлнинг ўртасида хонлиқнинг бекати бўлиб, унда 40 киши хизмат қилади. Марв шаҳрида 500 наварли Хива гарнизони бўлган. Маридан Каспий денгизининг шарқий қирғоғи бўйлаб Эмба дарёсигача бўлган талай жойлар хонлик таъсирида бўлган. Бу ерларда яшовчи кўчманчи элат ва қабилаларнинг баъзилари Хива хони ҳукмронлиги остида бўлса, баъзилари унинг таъсирида эди.

### Топографик маълумот

Хива хонлиги Амударё ҳавзасидаги водийга жойлашган бўлиб, умуман, пасттектисликлардан иборат. Баъзи жойлари дарё сатҳидан 1—3 саржин баланд; ўлканинг баъзи ерларини, дарё қирғоқларидаги унча баланд бўлмаган айрим қумлоқ тепаликларни ҳисобга олмаганда ер усти тузилиши қарийб бир хилда текис.

Водийнинг ўзига хос шароити Амударёнинг хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, хонлик аҳолисининг турмуши худди мисрликларникидек фақат дарё хосиятига асосланган. Шунинг учун ҳам Амударё алоҳида диққатга сазовордир.

<sup>1</sup> Бу маълумотлар Хивада узоқ вақт яшаган рус асирлари, ўрта осийликлар ва бошқа айрим кишиларнинг ахборотлари асосида рус ҳукумати вакиллари томонидан XIX асрнинг 30-йилларида тузилган. Булар Хива хонлигини сиёсий, иқтисодий ва маданий турмушини ўрганишда нодир ва қимматли ҳужжатлар бўлиб, шу пайтгача эълон қилинмаган ва илмий ишларда фойдаланилмаган. Ушбу маълумотлар Хива хонлигининг рус давлати билан алоқаси ва бунинг сиёсий, иқтисодий заминлари тўғрисида яхши тасаввур беради.

### а) Амударёнинг таърифи

Амударё Хива хонлиги бўйлаб, аввал шимоли ғарб томонга, сўнгра Хузий... шаҳри ёнидан шимолга бурилиб, Қўнғирот шаҳри биқинидан шимоли шарққа қараб оқади. Дарё суви соатга 6 чақирим тезлик билан оқиб, тошқин пайтларида бу тезлик янада ошади. Дарё оқими бўйлаб елкансиз ва эшаксиз сузиб кетаётган қайиқ билан баробар кетиш учун қирғоқ бўйлаб отда йўртиб бориш лозим бўлади.

Дарёнинг эни 200 дан 500 саржингача боради; тўлиб оққан вақтда эса 2—5 чақиримга етади. Дарё тошқинлари ҳар йили 3—4 марта бўлиб туради. Тошқин аксари апрелнинг ўрталари ёки охирларида, майнинг бошларида юз бериб, бундай кезларда сув қирғоқдан 0,5—1 саржин, ҳатто, ундан ҳам баланд кўтарилади. Сув бир ёки икки ҳафта шу қабилада туриб, сўнгра аслига қайтади. Ёз мобайнида ҳам дарё сатҳи шу хилда икки, уч ва ундан ҳам кўп марта кўтарилиб-пасайиб туради. Баъзан қишда ҳам кўтарилади. Лекин буларнинг ҳаммаси биринчи тошқинчалик бўлмайди. Дарёнинг тез оқишига қарамай, унда сузиш жуда қулай. Туябўйин деган табиий тўсиқ, Юмур ва Иланқир тоғлари рўпасида баланд қирғоқларнинг емирилишидан ҳосил бўлган остоналар бўлиб, улар дарёда сузишга асло монелик қилмайди. Дарёда кечувлар йўқ; дарё туби кум, лой ва балчқдан иборат бўлиб, суви лойқароқ.

Бу дунё тубидаги чўкинди, лой тўқ кулранг бўлиб, жуда ёпишқоқ. Унда Нил дарёсидаги чўкинди каби ерни ҳосилдор қилиш хусусияти йўқ. Шунинг учун хиваликлар каналлари тозалаш вақтида бундай чўкиндиларни олиб ташлашади ёки ўз уйларини сув тошқинидан сақлаш учун уни ҳовлиларига ташиб келтиришади. Дарё суви бундай чўкинди лойни кўплаб оқизиб келиши натижасида каналнинг ичини бир газ ва ундан ҳам зиёд қалинликда лой босиб ётади.

### б) Каналлар ва дарё шохобчаларининг таърифи

Амударё водийсида жуда кўп канал ва табиий шохобчалар бор. Дарёнинг чап соҳилида: Полвон, Ғазавот, Шовот, Ермиш, Қиличбой, Гурлан, Янги каби каналлар, Арна, Қораўзак, Лоузан, Шарқраук, Сували ва бошқа шохобчалар мавжуд. Унг соҳилда эса: Инак, Майхар, ва Ельтезархон каналлари бор. Каналларнинг кенглигига оид маълумотларни 1-жадвалда келтирамиз.

Каналларнинг чуқурлиги жойнинг ҳолатига боғлиқ; умуман, Амударёнинг ўн соҳилидаги каналлар ернинг дарё сатҳидан анча баланд бўлганлиги сабабли чуқурлиги — 3 саржингача боради. Бу каналлар сув тошқини ҳисобга олинган ҳолда, дарё сатҳидан 2 газ паст қилиб қазилган.

Рус асирларнинг айтишига кўра, жадвалда санаб ўтилган канал ва шохобчалардан ташқари Амударёнинг чап соҳилидаги ерларнинг икки жойида шу дарёнинг эски ўзани кўришиб туради: 1) Ғазавот ва Шовот каналлари оралигида, 2) Ермиш, Қиличбой каналларининг ўртасида. Ерли аҳоли биринчи эски ўзани Доудан, иккинчисини эса Қўҳна Дарёлик ёки тўғридан-тўғри «эски дарё ўзани» деб юритадилар. Уларнинг ҳар иккиси ҳам ғарб томонга Каспий денгизига бориб, ботқоқ ва қумлоқ чуқурликлар билан туташиб кетган. Бу эски ўзанлар анча чуқур бўлганлиги сабабли ерли аҳоли сув кўпайиб кетган вақтларда каналлардан тошган сувни ана шу ўзанларга оқизади. Бундан ташқари, Парси деган қишлоқнинг қарши томонида, Лоузан шохобчасининг бошланиш жойига яқин, яъни хон тўғони қурилган жойда жуда кенг сойсумон пастлиги бўлиб, баъзан унга сув уриб кетади; бу пастлик ўрмонга туташган жойда бир қанча тармоқларга бўлиниб кетади. Тармоқлар Қўҳна Урганч шаҳри

яқинида қайта бирлашиб Шарқара-ука номини олади. Сўнг Қўҳна Дарёлик ўзанига (иккинчи эски ўзан) келиб туташади. Эҳтимол шунинг учун ҳам бу пастлик бир вақтлар Амударё эски ўзанининг бир тармоғи бўлган. Ҳозирда яшаб турган кишиларнинг фикрича, бу тармоқнинг суви қуриб қолганлиги сабабли Қўҳна Урганч шаҳри тушқуликка учраган.

1-жадвал

Каналнинг номи	Юқори оқимнинг кенглиги (саржин ҳисобида)	Қуйи оқимнинг кенглиги (саржин ҳисобида)
Полвон	20—25	—
Ғазавот	20—25	10
Шовот	25—30	6
Ермиш	10—12	4
Қиличбой	20—25	15
Инак	8—10	2
Майхар	4—5	2
Ельтезархон	6—8	2
Гурлан	15—20	Гурлан яқинида 4
Янги	12—15	Хитой яқинида 4

### в) Қўллар

Бу ерда қўллар, айниқса, Хива хонлигининг ғарбий чегараларида ва шимол томонда — Қўҳна Урганчдан Орол денгизигача чўзилган жойларда жуда кўп. Бу қўллар турли шохобчалар билан бир-бирига туташган бўлиб, каналлар ёки юқорида қайд этилган дарё шохобчалари орқали сувга тўлади. Дарёда сув кўпайиши билан қўлларнинг ҳам суви ортади. Қўлларнинг соҳилини қамиш, қўға ва қиёқ босиб кетган.

### г) Ўрмонлар

Хивада ўрмонлар йўқ ҳисоб: Бу ерда қора терак, қайрағоч ва бошқа нав дарахтлар ўсади. Бу дарахтлар кўпроқ Парси қишлоғидан Айберур... ва Орол денгизигача бўлган ерларда учрайди, ўнг соҳилда, Гурлан шаҳрига қарама-қарши томонлар эса Шну-жели тоғлари этагига туташган; шаҳарнинг жанубий томонида ўрмон жуда кам. Хиваликлар ўзларининг хўжалик эҳтиёжлари учун канал ёқаларига ва боғларга дарахт кўчатлари ўтқазишади. Шунга қарамай, минтақадан ташқарида, ўтроқ аҳоли яшайдиган, масалан, Питнак шаҳрининг жанубий томонида ўрмонлар бор; дарёнинг иккала соҳили бўйлаб Уч — уचाка деган жойгача икки чақиримча чўзилган ерда қора терак, қайрағоч ва бошқа хил дарахтлар ўсади; аҳоли яшайдиган жойлардан 50 чақирим нари шарқ ва ғарб томонларда эса саксовул ўсади. Лекин хиваликлар бу ўрмон ва дарахтзорларни иморат учун, ўтин ва кўмир ўрнида ишлатиш учун кўплаб қийратишади.

## Ернинг сифати ва нишаблиги

Ҳамма жойда ернинг юзаси қизил ва сариқ тусда, 0,5 ва 1 саржин, ҳатто, ундан ҳам зиёд қалинликда оқ ва сариқ қум билан қопланган ёпишқоқ лойли заминдан иборат. Қора тупроқли ер жуда кам бўлиб, шўрхок ерлар кўпдир. Амударёдан сув ичадиган жойлар яхши ишланиб, жуда кўп дарахтлар экилган; аҳоли яшамайдиган ва экин экилмайдиган ерлар кам.

Амударёнинг чап соҳилидаги канал ва шохобчалар тезоқардир, айниқса, уларнинг юқори қисмларида сув тез оқади. Сув кўпайган чоғлари уларда сузадиган қайиқларнинг тезлиги соатига 4—4,5 чақиримга тўғри келади. Бу каналларнинг ҳаммаси ғарбга ва шимоли ғарбга қараб оқади. Чунки дарёнинг чап соҳили табиатан Каспий денгизи томон нишаб бўлиб кетган ва каналлардаги сувнинг тез оқишига қараганда бу нишаблик анча изчил бўлиши керак. Хўжайли шаҳри билан Келаскап шохобчаси, Кўҳна Урганч ва Ойбурги ораллигидаги ерларнинг ғарбга томон нишаби унча билинмайди, шунинг учун ҳам Урганч станциясидан Ойбургигача бўлган саксовулзорлар билан қопланиб ётган жойлар анча баланд. Бу ерлардан сув тошиб ўтолмаслиги сабабли кўл ва шохобчалар тўпланган. Амударёда сув камайиши билан уларнинг бир қисми дарёга оқиб тушади, қолган қисми эса Орол денгизига қуйилади. Келаскап шохобчаси Амударёнинг чап қирғоғига Устюрт яйловининг яқинлиги сабабли, дарёга нишаброқдир, у ерда бир қанча шохобчалар мавжуд бўлиб, улар ё бевосита дарёга ёки Орол денгизига қуйилади.

Сув кўпайган тақдирда Амударёнинг ўнг соҳилидаги каналларда сув секин оқади. Бу каналлар анча чуқур, бу эса дарёнинг ўнг соҳили чап соҳилдан баланд эканлигидан далолат беради. Бу ҳол шуни кўрсатадики, Амударё этагидан Каспий денгиз томон ер табиий нишаб бўлиши керак, бинобарин, дарё бир вақтлар ўша томонга оққан бўлиши мумкин, бу ҳолат бизнинг савдо ишимиз учун жуда муҳим бўлгани сабабли, мен суриштириш чоғида бунга алоҳида эътибор бердим.

Собиқ Хива асири Козьма Шмелевнинг берган маълумотига қараганда, 1834 йилдаги Амударё тошқинида Шарқрауқ ўзанига шунчалик кўп сув уриб кетгани, натижада хоннинг буйруғи билан Амударё орқали Кўҳна Урганч шаҳрига кемалар келтирилиб шаҳарни кўчиришга ҳаракат қилинган. Бу вақтда Шмелев Гурлан шаҳрида бўлган ва хиваликларнинг тошқиндан жуда хавфланиб, сув қаергача босганини билмоқ учун чопарлар юборишганини ҳамда ўзаро «руслар еримиз (Ново-Александровск)да ўрнашиб олишди; энди худо уларга сув ҳам берди, дарё улар томон, Болқон бўғозига оқиб бормоқда»: деб ташвишланиб гапиришганини эшитган. Бошқа асирлар ушбу маълумотни тасдиқлашмади. Козьма Шмелевнинг ўзи эса Амударёдан тошиб кетган сув қайси томонга қараб оқганини батафсил айтиб беролмади. Унинг гаплари анча пухта ва умуман, унга ишонса бўлади, бунинг устига мазкур маълумотлар бизнинг савдо фаолиятимиз учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Бу воқеа яқинда бўлиб ўтганлиги учун уни қирғизлар, туркманлар ёки хиваликларнинг ўзларидан батафсилроқ ва аниқроқ суриштириб билиб олиш лозим бўлади.

### д) Ороллар

Орол денгизидан бир қанча ороллар бор. Уларнинг баъзилари шўрхок; [рус] асирларнинг айтишича, Амударёнинг қуйилиш жойидан 20 чақирим нарида жойлашган Тўқмоқота ороли ана шу оролларнинг энг каттаси ҳисобланади. Оролда ўтлоқ ва дарахтзорлар бор, чорвачилик ва деҳқон-

чилик учун қулай шароит мавжуд. Оролда Тўқмоқота деган ғоят машхур авлиёнинг қабри бор бўлиб, (оролнинг номи ҳам шундан бўлса керак) хоннинг ўзи ҳам куз мавсумида зиёратга боради. Чунки йилнинг ана шу фаслида оролни қитъадан ажратиб турадиган сув анча саёзланиб қолади. Шу туфайли саёзликдан кечиб бемалол оролга ўтиш мумкин бўлади. Амударё оқизиб келган қумлоқ чўкиндилар сабабли бўғоз йилдан-йилга саёзланиб бормоқда. Қишда бу оролга қорақалпоқлар кўчиб келишади ва чорваларини ҳам олиб ўтишади.

## Иқлим

Хиванинг ҳавоси мусаффо, бу ерда, айниқса, ёз вақтида иситма ва безгак касаллиги кўпроқ учраб туради, бунинг ҳаддан ташқари кўп қовун истеъмол қилинишининг оқибатидан, дейишади. Улат ёки шунга ўхшаш маҳаллий юқимли касалликлар бўлмайди. Бироқ 1829 йилда вабо пайдо бўлиб, узоқ вақт давом этди<sup>2</sup>.

Хива халқи, умуман, соғлом бўлади ва кўп яшайди; баъзилари 100 йил ва ундан ҳам кўп умр кўришади. Бу ерда қиш одатда ноябрь ойдан бошланиб, февраль ва ундан кейин ҳам давом этади; қиш баъзан жуда совуқ келиши туфайли Амударё юзаси чорак — чоракам бир газгача қалинликда музлайди. Лекин баъзан сира музламайди ҳам. Қор жуда кам ёғади, дарахтзор жойларни ҳисобга олмаганда, 3—4 кун ичида эриб кетади. Шунинг учун бу ерда чана расм бўлмаган. Емғир ва дўл ҳам кам ёғади, момақалдироқ аҳён-аҳёнда бўлиб туради. Шундай бўлса-да, кўклам ва куз мавсумларида булутли кунлар кўп, ёзда эса кам бўлади; баъзан беҳосият туман ва шамоллар бўлиб туради; айниқса, кўкламда шимол ва ғарб томонлардан кучли шамол келади; бундай кезларда қуюқ шудринг тушади. Аҳён-аҳёнда ер қимирлайди. Хиваликлар кейинги вақтларда иқлимнинг қаттиқлашиб бораётганидан зорланишмоқда.

## Табиат маҳсуллари

а) Усимликлар олами. 1) Буғдой. Хиваликлар буғдойни фақат кузда, сентябрнинг охирида сепадилар; уни, асосан, сартлар кўпроқ сепишади; Питнак қишлоғидан то Шовот шаҳригача бўлган жойлар буғдойкон ерлардир. Бир таноб ерга 3—5 пуддан уруғ сепилади. Ҳосил яхши бўлган йили ҳар танобдан 60 пудгача ғалла олинади. Буғдой июннинг охирида ўриб олинди, унинг ўрнига баъзан қовун, тарих, жўхори экилади. 2) Майнинг ўрталарида жўхори сепилади. Уни кўпроқ ўзбеклар Шовотдан Қўнғиротгача чўзилган ерларга экишади. Жўхори мавсумда 4—6 марта суғорилади, шунга кўра у сувга сероб жойларга экилади. Жўхори дони жуда тўйимли бўлиб, одамлар уни овқат ва от емога ишлатишади; бўйи бир саржиндан зиёд, йўғонлиги бир дюймча бўлиб, ўсадиган поясини қорамол яхши ейди; бир таноб ерга сепилган 6—10 қадоқ уруғдан 100 пуддан ҳам кўпроқ ҳосил ва 250 дан 400 пудгача поя олинади. Жўхорини экишдан олдин ва экилгандан кейин 2 бор гўнг солиб мола бостирилади. 3) Сўк серсувликни хоҳлаганлиги учун кўпроқ пасттекисликларга сепилади. Бир таноб ерга сепилган 3—4 пуд

<sup>2</sup> Вабони таланчилик қилиб Эронга босиб кирган Хива хонининг аскарлари юқтиришган. Анча аскарлар йўлдаёқ вабога дучор бўлиб ўлиб кетган. Вабо Хиванинг ўзига ҳам етиб келиб, бу ерга кенг кўламда ёйилиб кетди. Хива шаҳрида ёз мавсумида бошқа шаҳарларга қараганда, умуман, ўлим кўпроқ. Бунинг сабаби шаҳар ичига ўлик кўмилишида бўлса керак.

уруғдан 40—50 пуд ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил олинади. 4) кунжут. Таноб бошига 5 қадоқдан уруғ сепишиб, 10 пудлаб ҳосил кўтаришади; кунжутдан мой олинади, бир пуд кунжут ярим пуд мой беради. Кунжарасини молга беришади. Кунжут кўп сув талаб қилмайдиган экинди; у кўпроқ Агарис, Хўжайли, Қўнғирот, Тошовуз, Иљилла, Качавот, Мингит, айниқса, Гурлан томонларида экилади. 5) пахтанинг ҳар танобидан 15 дан 25 пудгача ҳосил олинади. Шунча ҳосил эса 4—5 пуд тола ва 7—10 пуд чигит беради. Чигитдан мой ва кунжара олишади, кейин бу мойни оқлаб олиб, иссиқмоқ қилиш мумкин. Чигит, одатда, апрелнинг охири ёки майнинг бошларида экилади. Чигит экиладиган ер, агар ориқлаб кетган бўлса, экин чоғида, 3 марта ғўза тўртқулоқ бўлганда ва ниҳолларнинг бўйи ярим газ бўлганда яхшилаб ғўнланади; семиз ерга фақат экин бошланишида бир марта ғўн солинади. Августнинг охиридан ёки сентябрнинг бошларидан бошлаб пахта пишиб етилади ва у шундайгина қўл билан териб олинади, ғўзапоялари ё жойида қолиб кетади ёки йиғиб олиб, ўтин ўрнида экилади. Пахта кўпроқ Гурлан, Янги Урганч, Хива, Хонқа ва Главоат атрофларига экилади. Бундан ташқари 6) мош (нўхатга ўхшаган), 7) тариқ, 8) арпа каби дон экинлари ҳам экилади. 9) зиғир. Унинг донидан мой олиниб, пояси ҳеч нимага ярамайди. 10) канопдан ҳам мой олинади, поясидан эса арқон ишланади. 11) кўкноридан фақат афюн тайёрланади. Шунга кўра кам экилади. 12) беда жуда кўп жойларга экилиб, ундан моллар учун пичан тайёрланади. Юнчқу жнуг (?) (бошқа дон ўсимликларига ўхшаш) чолғи билан эмас, балки оддий ўроқ билан ўриб олинади. Бир марта сепилган уруғдан униб чиққан ўтин мавсумда 3—5 мартача ўриб, 5 йилгача пичан олинаверади. У жуда қалин, тизза бўлиб ўсади. Таноб бошига сепилган 6—10 қадоқ уруғдан бир мавсумда 500 пудгача пичан ўриб олинади. 13) чигин (майда тариқнинг бир тури). Унинг дони молларга ем бўлади. 14) Рўян ўсимлигининг илдизидан олинадиган қизил бўёқ жун ва ип бўйшада ишлатилади. Уни йилнинг хоҳланган вақтида, асосан, июнь ойида сепиш мумкин; уруғ устидан албатта ғўн сепилади, сўнгра кейинги йиллари ҳам ер ғўнлаб турилади. Экин учинчи йилга борибгина етилади: Шундан сўнг илдизлари кавлаб олинб қурилади, сўнг туйилиб, ғалвирдан ўтказилгач сув қўшиб қозонда қайнатилади. Тегишли миқдорда ранг ташлаб аралантирилган ана шу қозонга ип ёки жун бостирилади, натижада бўёқдан чиққан нарсанинг ранги айнимайди. 15) Полициликдан: қовун, тарвуз, бодринг, қовоқ, гармдори, пиёз, чеснок, шолғом, сабзи, лавлагн, тамаки, картошка ва карам ҳам экила бошлади. 16) Хивада қизилмия деган ўт беришади. Бу ўт ариқ ва зовурларда, ҳамма пастте-кисликларда, шудгор ўталарида, уватларда жуда кўп учрайди. Куз кезлари ғалласи ўриб олинган далаларга ҳам мол қўйиб юборилади. Мевали ва мевасиз дарахтлардан: тут, олма, олича, олхўри, хурмо, шафтоли, ўрик, ток, терак, қоратерак, қайрағоч, сариқ тол, қараман, (қайрағочга яқин турган қаттиқ ёғи бўлганидан арава филдираги учун ишлатилади), нарвон (бўйи 20 саржингача ўсадиган дубга ўхшаш бир нав) каби ҳар хил дарахтлар ўстирилади. Булардан ташқари, ўрмонларда ёввойи хурмо, шунингдек, саксовул ва турли хил буталар ўсади.

б) Ҳайвонлар олами. Қанишзорларда кўплаб тўнғизлар, шунингдек, оққуйруқ (буқа)лар<sup>3</sup>, қоплон, чиябўри, қўсн, тулки, бўри ва бошқалар учрайди. Ушайвонларидан; бир ўрқачли ва икки ўрқачли

<sup>3</sup> Туёқлилар туркумининг кенжа оиласига кирадиган сут эмизувчи ҳайвон.

гуялар, йилқи, эшак, йирик қорамол, қўй ва эчкилар боқилади. Паррандалар оламида: ёввойи ғоз, оққуш, турна, ўрдак, қур<sup>4</sup>, қирғовул, бедана, лойхўрак, каклик, зағизғон, қарға, чумчуқ, булбул (жуда кўп) ва тўрғай каби қушлар бор. Хиваликлар товуқ ва каптар каби уй паррандаларининга боқишади. Пашша ва чивинлар жуда кўп бўлади, суна ва чигирткалар ҳам учрайди.

Балиқларнинг тури ҳам жуда кўп; бу ердаги сувларда лаққа балиқ, оситёр, чўртанбалиқ, сазан, судак<sup>5</sup>, леш ва бошқа хил балиқлар бўлади. Асосан ўзбеклар ва қорақалпоқлар балиқ овлаш билан шуғулланишади; улар дарёларда, кўлларда ва сув тошган жойларда ов қилишади, балиқ ови тўрлар билан шунингдек, саёз жойлардаги балиқларни маҳсус таёқлар билан ҳайдаш орқали бажарилади.

Хонликда қазилма бойликлар ҳам бор: Хива шаҳридан 30 ёки 40 чақиримча жануби ғарбда жойлашган тоғлардан олтингургурт ва оҳақ қазиб олинади. Питняк юқорисидиги тоғлардан тош кўчириб тегирмон тошлари ясалади. Кўлҳна Урганч атрофларидаги ерлардан селитра олинади. Питнякдан 35 чақирим жанубдаги Султонсаройнинг шўр ерларидан ва Қўнғиротдан 50 чақирим узоқда жойлашган Устюртдаги Қораумбет ери остидан туз қазиб олинади. Металл рудалари йўқ; қўрғошин, мис, темир, чўян Россиядан; олтин ва кумуш Эрон, Россия, Қўқон ва Бухородан келтирилади.

### Далаларни суғориш таърифи

Амударё сатҳидан унча баланд бўлмаган водийда жойлашган Хива хонлиги сув тошқинлари вақтида сув остида қолиб кетиши ҳам мумкин. Шу хавфни олдини олиш учун хиваликлар дарёнинг ҳар икки қирғоғи бўйлаб сув уриб кетадиган жойларга сувдан сақланиш мақсадида кўтармалар ишлашган. Далаларни суғориш учун дарёдан бир қанча каналлар чиқарилган. Амударёдан чиққан шохобчалар ва каналларнинг ҳар икки қирғоғи бўйлаб тегишли жойларда ҳамда экинзорларга яқин ерларда дала ва қишлоқларни сув тошқинидан ҳимоя қиладиган кўтарма ишланган. Бундай кўтармалар жойига қараб, баъзи ерларда оқим бўйи ва ундан ҳам баланд қилиб ишланган. Хон канали деб аталадиган энг ассий каналлар хусусида юқорида айтиб ўтилган эди.

Асосий каналлардан ташқари шу каналлардан ва шохобчалардан оқиб чиқадиган, эни 4 ёки 5 саржинча келадиган яна кўпгина майда, ёрдамчи каналлар ҳам мавжудки, улар айрим жамоаларга қарашли бўлган. Ана шу майда каналлардан ҳар бир ер эгаси ўз даласига қараб алоҳида ариқлар ўтказиши. Канал қазинишдан чиққан тупроқ каналнинг икки томонига олиб ташланиши натижасида далаларни тошқиндан асрайдиган кўтармалар ҳосил бўлган. Сув олиш керак бўлган жойларда ана шу кўтармаларнинг бир четини озгина бузиб ёки кўтармаларга ўрнатилган маҳсус ёғоч тарновлар орқали экинзор ёки боғларга сув юборилади. Шу тариқа, ҳар бир боғбон ёки деҳқон ўз ерининг керакли қисмини суғоради. Дарё қирғоқлари ва каналларда қилинган мазкур кўтармаларга қарамай, баъзан Амударё тошқини натижасида кўтарма остидаги қумлоқ тупроқдан сув уриб кетиб далаларни, экинзорларни босиб кетган ва талай зарар келтирган вақтлар ҳам бўлади. Бундай кезларда одамлар ўз ерларини бутунлай ташлаб кетишга мажбур бўлишади.

Кўлинча сув шиддатли куч билан хон каналларидаги, шохобчалардаги ёки Амударёнинг ўзидаги кўтармани бузиб, бутун атрофни босиб

<sup>4</sup> Ўрмонда яшайдиган ёввойи товуқларнинг бир хили.

<sup>5</sup> Олабуға балиқлар оиласига кирди.

кетган; бундай вақтларда ҳамма қўшни аҳоли бир жон-бир тап бўлиб, сув урган жонни дарҳол бекитишга киришади. Бу мањаққатли иш шундан ажралилади: сув уриб кетган жойга бир неча қатор қоқиб қилинади; кичикроқ бир жойга кенон досидан эшилган мустаҳкам маҳсуе арқонлар ёниб қўйиб, уша қамини ёки шох-шабба ташланади, сўнгра устига қалин қилиб тупроқ ёки чим босилади, кейин яна бир қават шох-шабба ёки қамин тўшалади, унинг устидан эса яна тупроқ босилади, шу тариқа унинг қалинлиги 6 вершок<sup>6</sup> қилинади; кейин ҳосил бўлган қатламни маҳкамлаб ўраб, арқонлар билан ишиқ қилиб боғланади; узунлиги бир чим ёки икки саржинча, қалинлиги бир-бир ярим саржин бўлган бир неча шундай қатламлар ясаб, сув урган жойга қоқиб қўйилган қозиклар устига ташланади, қатламлар орасига ва уларнинг устига тупроқ ташлаб шундай ишбоб урилади. Бу усул оддий бўлишига қарамай жуда қўлайдир, қатламлардаги шох-шабба ёки қаминлар орасига солинган чим ва тупроқларини сув осонликча юзиб ҳам, оқизиб ҳам кетолмайди, улар ўз оқирлиги билан қозиклар орасида маҳкам ўрилиб қолади. Қиш кунларида ети бошқа зарурий тугилиб қолганда, асосий каналларини ҳам ана шу усул билан тўсиб қўйилади. Сув жуда кўнаиб кетган кезлари сув уриб кетишининг олдини олиш мақсадида, хиваликлар фалокат рўй бериши эҳтимоли тутилган жойларга қорондулар қўйишади, кетмон, бел ва бошқа асбоблар билан қуролланган одамларни олдиндан тайинлаб қўйишади. Айни вақтда сув уриш жойларини камайитирини мақсадида якка хўжаликларга қараган ҳамма ариқ ва довурларни бекитиб ташлашга амр қилинади. Лекин сувнинг дамнини қайтарини учун Амударё, Доудану ва Дарвилик каби эски дарё ўзанларига Шовот, Качавот, Қиличбой, Ермин каналларидан сув йўли очиб қўйилади. Хивадаги асосий каналлар ва шохобчаларнинг суви қиш кунлари чуқиндиларга тўлиб қолмаслиги учун ҳар йили кузда уларнинг суви ташлаб қўйилади. Қиш ичи умуман каналдан сув келишининг ҳолати ҳам йўқ. Бу тадбирнинг яна бир муҳим томони шуки, борди-ю, Амударё йилиниг ана шу вақтда тошғудек бўлса, фалокатни бартараф қилини қийинроқ кўчади, чунки сув уриб кетган жойларни қиш кунларига қараганда кузда тузатиш осон, кўккамада сувсиз канал, ариқларни тозалаш кишини қийнайди.

### Хива хонлигида аҳолининг жойлашиши

Хонликда дала ва экинзорлар қўрғонга яқин бўлади. Айниқса богларни ва экинзорларни сугорини иши буни тақозо қилади. Шунга кўра, хиваликлар боглардаги хутор тинида бўлган айрим ҳовлиларда яшайди. Бу ерда катта ери ва кўп қўли бўлган хўжаликлар кам. Қўнчилик хўжаликларда қўли бўлмайди, ери ўз оила кучлари билан гоҳо бир ёки иккита одам ёлдиб ишлайдилар. Ҳар бир хўжаликда 8—12 тапоб ёки 4—6 ботмонгача ер бўлади. Шунинг учун ҳам Хива хонлигининг аҳолиси бир-бирига яқин турган жуда кўп сонли хутор ёки қишлоқчалар тарзида жойланиб, уларда бицца, иккита, учта хўжалик, унда ҳам қаришдош-уруғлар бирга туришган. Фақат Хива атрофларида, Нов, Урганч, Ҳазорасп, Шовот, Хўжайли шаҳарларида 20 ва 30 хонадонни ўз ичига олган бир қанча қишлоқчалар бор. Шундай қилиб, Хива хонлигида халқнинг кўнчилик қисми хуторларга соҳибдан ҳолда канал бўйларида, сувли жойларда яшайди. Одам яшайдиган жойларнинг атрофи, шаҳар ва қишлоқлардагидек, сув тошқинидан сақланиш мақсадида баландлиги бир саржин бўлган тупроқ девор билан ўраб қўйилади. Янги жойга кўчинини истаган ҳар бир хонадон бундай девор қуриб олиш учун қўйинларидан ёрдам олади.

<sup>6</sup> 1.1 сантиметрга барабар узунлик ўлчови.

Шунингдек, паҳса ёки кесак девор ёхуд ярим саржини қалинликда, 1—2 саржин баланд кўтарма қуради. Ҳовли иккига ажратилган бўлади; йўл ёки каналга тутинидагидек ташқар қисмида меҳмонхона, отхона, сироб, молхоналар жойланади. Ичкарида эса оила аъзолари учун уйлар, ошхона, омборхоналар<sup>7</sup> жойланган бўлади. Улар бизнинг уларимиз катталигида паҳса ёки суваладан қурилади. Уйнинг баландлиги 2 саржинча бўлиб, томлари ясен қилиб қамини, бордон билан ёпилади, қамини устидан тупроқ солиниб, сўнг лой билан сувалади; тутун чиқини ва ёруғ тушинини учун мўри чиқарилади. Уй ичидagi буюм ва ишбоблар қирғизлардагидек тартибда жойлаштирилади, яъни тўрда сандиқ туради, деворга кийим-кечак осиб қўйилади, уйнинг икки ёнида бошқа уй анжомлари туради, ўртада ўт ёқиллаган чуқурча бўлади. Уй ичига гилам ёки намат тўшалади. Қўрғон орқасида ёки унинг атрофида боғлар бўлади. Канал ва ариқларнинг ёқасига дарахтлар ўтказилиб, уларни жуда аяблаб парварини қилишади. Хиваликлар кўнчили шу дарахтларни кесиб, иморатга ҳам ишлатишади. Уларнинг далалари қўрғондан узоқ бўлмайди. Хива шаҳарлари тартибсиз режасиз қуриб ташланган ҳовли ва бинолардан ташкил топган; кўчаларнинг эгри-бугри ва ҳаддан ташқари тор бўлганлиги сабабли қарини келиб қолган икки арава ўтиб кетолмайди, баъзиларига эса арава мутлақо киролмайди. Шаҳарларда амалдорлар, савдогарлар, ҳунармандлар яшайди, деҳқонлар йўқ ҳисоб. Ҳар қайси шаҳарнинг тепадарк атрофларида боғлар мавжуд. Ҳар бир шаҳар ёки қишлоқда ҳафтада икки марта бозор бўлади.

Энг йирик шаҳарлардан: Хивада — хон қароргоҳи жойланган, шаҳар эни 4 саржин, баландлиги 2 саржин, узунлиги 3 ёки 4 чақирим келадиган паҳса девор билан ўралган. Хон саройида ҳарбий анжомлар, қурол-аслаҳалар туради. Шаҳарда 10 та гиштлин майит, гиштдан шиланган 2 та минора; шаҳар четида 2 гиштин кўприк бор. Хива атрофида жуда катта ерларни қонлаган бир талай обод боғлар бор. Хива — пойтахт шаҳар бўлганлиги сабабли, бу ерда турли уруғлардан ва бир-бирига дўст бўлмаган қабилалар вакилларидан иборат давлат бошқармалари тўнланган. Агар улар итоатдан бўйин товласалар хон осонлик билан ҳатто, қурол ишлатмай уларни итоаткор қилиб қўяди, яъни ўз қароргоҳини улардан ажратиб турган бош каналларга сув қўйдириб юборади.

Ҳазорасп Хивадан кичикроқ бўлса ҳам давлатнинг энг мустаҳкам шаҳри ҳисобланади; бу шаҳарда хоннинг биродари туради. Шаҳар тупроқ кўтарма ёки паҳса девор билан ўралган бўлиб, унинг атрофида чуқурлиги салкам икки саржин, эни 20 саржинча келадиган сув тўла хандақ бор. Шаҳар атрофида, айниқса, олмалари билан донг чиқарган яшайб турган жуда кўп бог-роғлар мавжуд.

Янги Урганч Хивадан анча кичик. Шаҳарни ўраб турган деворлар бутунлай харобага айланган; бу шаҳар ўз саноати ва савдоси билан хонликда муҳим аҳамиятга эга.

Ташовузнинг майдони Хивага барабар келади, атрофи паҳса девор билан ўралган, аҳолиси камроқ бўлиб, унда асирга тушган эронийлар яшайди.

Кен шаҳри ҳам паҳса девор билан ўралган бўлиб, Урганчдан кичик, Ҳазораспга барабарлашади. Девор атрофидан сув тўла хандақ ўтказилган.

<sup>7</sup> Дон сақланадиган бу омборларнинг тагига похол тўшалади, четларига чий-қамин терилиб, буғдой тўлдирилгач, қаминлар буғдой устига ёпиб қўйилади ва яна похол тўшалиб, унинг устидан тупроқ тортилади.

Шовот, Гурлан, Хонқа, Хўжайли, Қўнгирот шаҳарлари ҳам катта-лиги жиҳатидан Кеш шаҳрига барабар бўлиб, уларни ўраб турган деворлар бузилиб кетган.

Тингак, Унгур, Качавот, Мангит, Қинчоқ, Қиличбой, Илалла, Хитой, Анбар ва бошқа кўпгина шаҳар ва катта қишлоқларда аҳоли кам. Бир вақтлар улар атрофига қурилган паҳса деворлар ҳозир нураб, бузилиб кетган.

Хива хонлигининг чеккаларида харобалар кўп; собиқ Кўҳна Урганч шаҳри харобалари улар ичида энг муътабаридир. Бу ерда эски мачит биноси сақланиб қолган бўлиб, у пишиқ гиштдан ишланган, эни ҳам, бўйи ҳам 8 саржинга боради. Собиқ шаҳарда яна бир обида — тагининг эни 6 саржин, баландлиги 20 саржин келадиган гиштин минора бор. Минора ичидан юқорига чиқиш учун ўзига хос нарвон бор<sup>8</sup>. Хиваликларнинг айтишича, минора теясига чиқиб, душманлардан бохабар бўлиш минора бор. Бундан ташқари, тошдан бунёд қилинган бир неча мақбаралар кўзга ташланиб, улар ичида Друахон ёки Тоханаларнинг мақбаралари хиваликлар назаридан энг муқаддас ҳисобланади. Бу мақбараларнинг ичи ва ташқариси катта қошиқлар ёки қошиқ-гиштлар билан қопланган. Кўҳна Урганчда селитра чиқадиган мазор ҳам бор. Хиваликлар бу селитрадан миллиқ дори ишлайдилар. Яқинда ана шу харобалар ўрни бозор қилиниб, яна аҳоли яшайдиган жой бўлиб қолди.

Асирларнинг айтишича, Амударёнинг ўнг қирғоғида ҳам илгари аҳоли яшаган жойлар ва шаҳарларнинг кўпгина харобалари учрайди. Асқалъа (айтишларига қараганда унинг бир қисми ер остида қелиб кетган), Душанқалъа, Гулдурени, Шаббос ва Сидмарой харобалари шулар жумласидадир. Бу харобаларнинг баъзиларида Кўҳна Урганчга тенг гиштдан барпо қилинган миноралар ҳам бор. Бундан 25 йил муқаддам дарёнинг ўнг қирғоғидаги ерларга канал қазиб сув чиқарилиши билан бу ерларга кўпала хиваликлар кўчиб келиб, тегжойлик бўлиб қолди. Инаҳ-Шаббосвали, Овли ва бошқа қишлоқлар ана шундай барпо бўлган. Бу ерда қадимий сув йўллариинг излари ҳозир ҳам сақланиб қолган.

### Хонликда яшайдиган қабилалар

Хива хонлигининг аҳолиси ўзаро ноаҳил бўлган ва хонга зўрба-зўрпоят этган турли-туман қабилалардан ташкил топган. Улар орасида энг йириклари: 1) Шаҳарларда ва шаҳар атрофларида, асосан, Хўжайлидан Ташовуз ва Гурлангача чўзилган ерлардаги хуторларда ўзбеклар яшайди. Шунинг ҳам айтиш керакки, хонликка қарши бош кўтаришгани учун кўп ўзбеклар хонлиқнинг бошқа чеккаларига бадарға қилинган. Ўзбеклар, асосан, балиқ ови, боғдорчилик, деҳқончилик ва қисман ипакчилик билан шугулланишади, лекин савдогарлар йўқ ҳисоб.

2) Хива, Янги Урганч, Хонқа, Кеш ва Шовот шаҳарлари атрофларида ва кўпроқ шаҳарларнинг ўзида сартлар яшайди, чунки улар галлакорликдан ташқари, асосан, савдо иши билан, ҳунармандчилик ва

<sup>8</sup> Сидмарой шаҳрида ва Бухорода худди ана шундай минораларни кўрган асир Козьма Шмелев мазкур ички нарвон тўғрисида шундай дейди: ҳар икки қатор гиштдан сўнг кўндалангига ташланган, узунлиги минора диаметрига тенг бўлган тут ёғочидан ишланган тўсинчалар минора деворини қулф-қалит қилиб туриши билан бирга, айни вақтда, нарвон вазифасини ҳам бажаради.

ипакчилик билан шугулланишади. Сартлар ерли аҳоли ҳисобланиб, ўзбеклар эса четдан келган фотиҳлардир.

3) Қўнгирот ва унинг атрофларида ороликлар яшайди. Улар галлакорлик, чорвачилик ва балиқ ови билан шугулланишади. Сартлар ўзбекларга жуда ўхшаб кетади, уларнинг келиб чиқиши бир бўлган бўлиши ҳам мумкин.

4) Амударё этакларида, Хўжайлидан Орол денгизи томон чўзилган ерларда ва Орол денгизидаги оролларда қорақалпоқ хонадонлари жойлашган. Улар, асосан, чорвачилик ва қисман галлакорлик билан шугулланишади. Қорақалпоқларнинг қарийб ҳаммаси кўчманчилик билан ҳаёт кечиради. Уларнинг жойлари волост ёки округларга бўлинган бўлиб, ҳар қайси элат ўз округи доирасидагина (масалан, биздаги бошқирдлар сингари) кўчиб юришига ҳақли.

5) Тамагуч ва Илалло шаҳарларидан Кўҳна Урганчгача чўзилган ерларда туркманлар яшайди. Буларнинг машғулоти галлакорлик ва чорвачилиқдир.

6) Хонлиқнинг Толгузи, Илалло ва бошқа жойларида қизилбошлар деб юртиладиган собиқ эроний асирлар яшайди. Улар деҳқончилик билан шугулланишади. Ҳали озодликка чиқмаганлари ўз хўжайинларининг ерида ишлаб ўша ерда яшайдилар.

7) Илалло ва Ташовуз ораллигида деҳқончилик ва ипакчилик билан шугулланувчи бухоролик асирлар тагжойлик бўлиб қолишган.

8) Хонлиқнинг турли жойларида озод қилинган собиқ рус асирлари яшайди. Уларнинг сони жуда оз бўлиб, деҳқончилик, ҳунармандчилик билан шугулланишади. Ҳали озод бўлмаганлари ўз хўжаларига қарашли жойда яшашади. Руслар кўпинча ёллашиб иш қилишади, баъзилари бойлар қўлида гуманита сифатида хизмат қиладди.

Хонлик аҳолиси ўзи яшаб турган жойига кўра, округ ёки уездларга ажралган. Шаҳар ёки қишлоқ ҳокимлари, одатда, ўша ердаги округларни ҳам бошқаради.

### Аҳолининг асосий машғулоти ва маҳсулот ишлаб чиқариш усули

Хива хонлигида аҳолининг асосий машғулоти ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳамда бойиш усули деҳқончилик, чорвачилик, савдогарчилик, ҳунармандчилик ва боғдорчилик орқалидир.

#### а) Каналлар қазииш

Хива хонлигининг замини ўзининг иқлим шароитига ва бошқа хусусиятларга кўра, кўпроқ ҳосил бериши учун етарли равишда сув бўлишини талаб қиладди. Шунинг учун ҳам Амударёдан сув келадиган каналларни ўз вақтида тозалаш, қазииш каби ишлар деҳқончилик қилган аҳолининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу ишга жуда кўп меҳнат сарфланади. Хон каналлари ёки асосий каналларни чуқурлаштириш ёки кенгайтириш учун, шунингдек, янги каналлар қазииш учун ҳар йили бутун хонлик миқёсида ўлпон тўлайдиган ва ери бўлган хонадонлардан қозон бошига бир кишидан ишловчи олинади. Бу одамлар иш кўламига қараб бир неча қисмларга бўлиниб, навбатма-навбат ишлашади. Ҳар қайси навбатдаги киши 15 кундан ишлаб беришга мажбур. Ишни тўла ғайрат билан қилиш талаб этилади. Ишбошилар ёки ясовуллар дангаса ёки секин ишлаётганларни шафқатсиз жазолашади. Ҳатто чала ўлик қилиб калтаклаш ҳоллари ҳам бўлган. Бу огир меҳнат азобидан қутулиш мақсадида баъзи бирлар ўз ўрнига кунига 2—3, ҳат-

то. 15 сўмга бўлса ҳам одам бўлашади. Қазини ишлари шитоб билан бажарилади. Бир хивалик бир кунда лойқумлик замида 2 куб саржинга эди жойин қазий олади. Ёшликдан бошлаб ишнинг ҳаддисини олини ва бу ишга ўрганиш бўлиб қолганлик ҳамда яхши ишланган Хива белкуракларни бу ўқубатли меҳнатни сиғиллатишга ёрдам берадиган омиллардир. Бу хил белкураклар темирдан ёки темир билан чўян қотишмасидан ишланади, бўйи ярим, чораккам бир газ, оғирлиги 5 қадоқ, ўрта жойини эни 6—10 вершок бўлади, икки чети бироз букилган бўлиб, уч ўткир, тилсимон чўзиқ доира шаклида ясалади.

Жамоа каналларини ёки майда каналчаларни тозалаш учун ҳар бир округда ҳар 8—10 таноб ерга битта одам ҳисобидан ишловчи олинади, бундаги ишлар бир ой ва ундан ҳам кўнга чўзилади. Ниҳоят, ҳар бир ер-часининг жойидан ўтган ариқ ва кичик каналчаларни тозалаш унинг ўнга юклатилади.

### в) Деҳқончилик

Деҳқончилик аслида сермеҳнат ишдир. Хива хонлигида сепиладиган доннинг асосий хиллари юқорида санаб ўтилган эди. Бу экинларнинг парварishi учун қарийб тўхтовсиз меҳнат қилиш керак бўлади. Ташқин олиб келган чўкинди лой бу ерда ерни асло семиртirmайди. Ундан ташқари, қора туپроқли ер ҳам йўқ, шунинг учун кузда ва қишда ерга солашган ўнгит тайёрлаб қўйилади. Чунончи, даланинг маълум бир жойига даставвал қум ташиб келтирилиб, 2 вершок қалинликда ерга ёзилади. Унинг устига шу қалинликда гўнг ташланади, ундан сўнг бир қатлам шўрхоқ туپроқ солиниб, ҳаммаси қоринтирилади; сўнгра унинг устига яна шу уч қатлам қайта-қайта солиниб аралаштирилади. Шу тариқа, 2000 ва ундан ҳам ортиқ арава гўнг тайёрланади. Баҳор бошланиши билан март ойининг боши ёки ўрталаридан канал, ариқ ва зовурларни тозалаш ва тузатишга киришилади, сўнгра тайёрлаб қўйилган ҳалиги ўнгитни далага ташланади. Бунда, масалан, қовун ва жўхори экиладиган жойлар ҳар танобига 250—300 арава, буғдой учун 200 арава ҳисобидан ўнгилади. Нахта, кунжутларга ўнгит солинмайди, чунки улар илгари буғдой ва жўхори сепилган сениз ерларга экилади. Ўнгитланган ерни бир неча бор шудгор қилинади. Масалан, гуруч, қовун, буғдой, жўхори экиладиган ерлар агар мавриди бўлса, 10—12 марта шудгор қилиниб, устидан сув берилади. Нам ерга уруғ сепилгач, яна икки марта шудгорланади ва устидан мола бостирилади. Нахта, кунжут, мош, тарик сепиладиган ерга эса энг аввал сув берилади, сўнг уруғ сочиб, икки-уч марта шудгор қилинади, кейин мола бостирилади. Экинлар ичнда энг эрта экиладиган қовун; май бошларида нахта, жўхори; майнинг ўрталарида кунжут, мош, сўк ва тарик; кузда, августнинг охирларида буғдой сепилади. Мола бостириш икки усулда: биринчи бор сих мола билан, кейинги сафар текис тахта билан амалга оширилади.

Қовун, жўхори уруғлари ва чигит ердан униб чиққач, кетмон билан ниҳоллар остига туپроқ тортиб, бегона ўтлар ўлдирилади. Бошқа дон экинлари эса бу хил парварishiсиз ҳам ўсаверади.

Петр айёмларидан кейин буғдой ишга бошлайди. Июль ўрталаридан ўрмга тушилади. Ана шу вақтда қовун ҳам ишари, август бошларида эса кунжут, тарик, мош етилади; сентябрда гуруч ишари, октябрда бошларида ёки ўрталарида жўхори ҳосили йиғиб олинади, бордию бундан бурунроқ ўрилгудек бўлса гарамланганда бўрсиб кетиб чирини мумкин. Шундан кейин галлаи янчини бошланади. Бу иш от-улов ёрдамида бажарилади. Галла янчиландиган жойлар қишга шай қилиб қўйилган бўлади. Шунинг учун ҳам бу ерда йил бўйи иш тўхтамайди. Асирлар таъбирича, Хиванинг ери қаттиқ бўлиб, бир нар хўкизи ва бир нар

оти бор одам агар капал тозалани ва бошқа ишларга сафарбар этилишидан овоз қилинса, 6 ёки етти таноб, яъни бизнингча 3 ёки 3,5 десятна ерни араш эрлайди. Агар сувни бизларда ҳам бўлгани каби, чигирик билан чиқариб деҳқончилик қилинадиган бўлса, 5 танобдан зиёда куч етмайди. Бу ерда ер асосан омов билан шудгор қилинади, у ўзининг қулайлиги, оддийлиги ва ишга мослиги билан деҳқончилик қуроллари ичнда энг афзалдир.

Омовча чўядан ишланган тиш ўрнатилган бўлади. Хивада тошлоқ ва шагалли замин қарийб йўқлиги сабабли бундай чўян тишлар темирдан қилинганларига қараганда яхшироқ бўлади, улар букилиш ва ўтмасланиш у ёқда турсин, балки ишлатилган сари ўткирлашаверади ва эҳтиётсизлик орқасида баъзан қўшга қўшилган хўкизларнинг оёгини қирқиб ҳам кетиши мумкин.

Омовчининг узун шотиси бўлади, шотиға бўйинтуруқ ўрнатилади ва унга бир нар хўкиз қўйилади. Бўйинтуруқда миҳ кириб турадиган бир неча тешикчалар бўлади. Агар майда шудгор қилиш керак бўлса, миҳларни яқинроқдаги тешикчаларга киритилади, бордию, шудгорни чуқурроқ қилиш лозим бўладиган бўлса, миҳлар узоқроқдаги тешикчаларга суқиб қўйилади. Бу қурилмада, хўкизларнинг юқори бўйи ва ёи томонларига кўпроқ куч ва оғирлик тушадиган бўлгани учун бўйинтуруқнинг настки, бўйин ости томони фақат арқон билан маҳкамланади. Хиваликлар ерни даставвал 1—1,5 вершок чуқурликда майда шудгор қилишади, сўнгра омовчи аста-секин чуқурроқ тушириб, чорак газгача етказиб шудгорлашади. Бир жуфт яхши хўкиз ва бир омов билан бир суткада бир таноб ерни 2 марта ҳайдаб, уруғ сепиб, икки марта молалаш мумкин.

Хиваликларнинг ўроғи ҳам жихатидан бизларникича келади, аммо, тўғри бўлиб, уч томонига бир оз эгик қилиб ишланган. Чалги мутлақ ишлатилмайди.

Хивада шўрхоқ ерлар кўп, бироқ уларга буғдой сепилмаверади; шунинг учун ернинг шўри ювилади, ерга уруғ сепилгач, тез-тез суғориб турилади. Агар ер тепалик бўлиб сув чиқини қийин бўлса, шўрхоқликлардаги оқариб турган доғ жойлар қиртишлаб ташланади, сўнг иложи борица кўпроқ ўнгит солиниб, турли хил дон уруғлари сепилади.

Ҳосилнинг кўп-озлиги дарёлардан оқиб ўтадиган сувнинг миқдорига боғлиқ бўлса-да, сув танқис келган йиллар учун сувни запас қилиб турадиган жамоа сув омборлари йўқ. Лекин хонлиқнинг гарб томонида, Хива яқинида жойлашган кўпгина кўллар ана шундай сув омборлари қуришни енгиллаштириши ҳам мумкин эди. Ҳозирги вақтда чигирик ёки каналларни бўғиб, сувни кўтариш йўли билан баланд жойларга сув чиқариш мумкин. Умуман, Хиванинг жануб қисмида, дарёнинг чап соҳили Питняк шаҳридан то Шовотгача чўзилган ерларга ва ўнг соҳилдаги жойларга қарийб ҳамма вақт чигирик орқали сув чиқарилади, чунки бу ерлар анча баланд, асирлар таъбирича, чигирикли жойлардир. Агар сув камчил бўлса, чигирикнинг ҳам нафи тегмайди, бундай вақтларда каналларнинг ўзида сув қуриydi, натижада ҳалокатли ҳосилсизлик бошланиб, бир пуд буғдойнинг нархи 5, ҳатто, 15 сўмгача чиқиб кетади. Лекин бундай қийинчиликлар ва етишмовчиликларга қарамай, деҳқончилик хонлиқнинг ривожланиб бораётган соҳаси бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий усули ҳамда ташқи савдонинг муҳим воситаси ҳисобланади.

### с) Боғдорчилик ва ўрмончилик

Хонлиқда боғдорчилик ва ўрмончилик ҳам яхши аҳволда дейини мумкин. Булар билан шаҳар атрофида яшовчи аҳоли кўпроқ шугуллашади. Бу ерда тут, олма, пок, олча, олхўри, ўрик, шафтоли, хурмо ва бошқа мевали дарахтлар уругдан экиб кўкартирилади. Шунингдек, қоратерак,

дайрагоч, сариқ тол, ёввойи хурмо, тогтерак, терак сингарни ўрмон дарахтлари ўстирилади. Булар эрта баҳорда қозиқ қилиб ёки бўйи ярим газ, танаси жимжилоқдек бўлган кўчатларни ўтқазиб йўли билан кўлайтирилади. Дарахтлар бир-биридан ярим газ чамаси ераликда канал бўйларига ўтқазилиб, уларга сув қуйилади ёки ариқ очилади. Мевали дарахтларга етарли миқдорда гўнг солинади. Дарахтлар бу ерда яхши ўсади. Масалан, қоратерак, терак, тогтерак 8 йил ичида эни 4 газга, бўйи эса 3 саржинга етади ва арава шотиси ҳамда бошқа нарсаларга ярайишган бўлади. Мева дарахтларни тўртинчи йили ҳосилга кирати; бошларда каналак қурти бўлмайди, лекин кўннич қиш совуғи меваларни уриб кетади.

#### д) Чорвачилик

Хива хонлигида чорвачилик билан асосан, кўчманчи қабилалар шуғулланишди. Ўроқ аҳоли эса ем-ханакининг камлиги сабабли фақат деҳқончиликда, юк ташини, миниб юришда иш берадиган зарур ҳайвонларни ва эчки, қўйларининга сақлайдилар.

#### с) Савдо

Хиваликлар учун савдо — тирикчиликнинг муҳим омилларидан бирини ташкил қилади. Унга тўқ кишиларнинг ҳаммаси ҳам қарийб савдо қилишган; аҳолида савдогар табақаси йўқ.

Хивадан Россияга, Эронга туя карвонлари қатнайди. Бухорога эса моллар туялардан ташқари сув орқали кемаларда ҳам жўнатилади.

Икки савдо қуруқлик йўллари билан туялар, икки гилдиракли аравалар орқали: Амударё ва каналлар бўйлаб сув орқали олиб борилади. Аҳоли яшайдиган ҳар қайси қишлоқ ва шаҳарда бозорлар мавжуд бўлиб, уларда йирик қорамоллар, туялар, от ва қўйлар (уларни кўпроқ қирғизлар ҳайдаб келинади) каби чорва моллари, турли галла, кийим-бош, чопон, шпак ва газламалар, порох, қурол-аслаҳа, белкурак, деҳқончилик қуроллари, икки гилдиракли аравалар, эгар ва бошқа жабдуқлар; ёғоч, кўмир, ишқор, туз ва бошқа жуда кўп моллар олди-сотди қилинади. Бу моллар айирбош ҳам қилинади, пулга ҳам сотилади. Хива хонлигида пул қиммати тилла ҳисобида юритилади, тангаси аббос деб юритилади: 1 тилла — 28 дан 35 танга ўрнида, танга кумуш пул бўлиб, икки танга 1 аббосга барабар. 1 танга эса 35 дан 50 пул ёки қора чақа ўрнида юритилади; танга биздаги — ярим сўмликка, аббос — сўмга, тилла — 15 сўмга барабар келади. Пул қиммати доим ўзгариб туради. Ҳозир (1837—1838 йиллар) олтин ва жезнинг қадри ошган, кумушнинг қадри эса паст тушган, кумуш рўшга ҳисобида Эрондан олинади. Шундай қилиб, ҳозир бир тилла 18 кумуш сўмгача чиқди; бир танганинг қиммати эса 37 пулдан ошмайди. Ишлатганлик учун ҳақ ва молларнинг нархи ҳосилга, баршчи-нага ва бошқа омилларга қараб ўзгариб туради. Амалда ҳозир юриб турган нарх-наволар қуйидагича.

Бир одамни от-араваси билан дарёдан ўтказиб қўйиш учун бир танга, отлик кишини ўтказиб қўйиш учун ярим танга олинади. 25—30 пуд юкин Гурландан Хивагача от-аравада олиб бориш 5 сўм туради. Бир кишининг бир ой ишлаган ҳақи 7 сўм бўлади. Ариқлар учун бир танга, хош ариқлари учун 5—6 танга ва ундан ҳам ортиқ тўланади. Судхўрлар ой сари процент олади. Қарздорлар бир тиллага ҳар ойда 1 сўмдан тўлашга мажбур. Рус асирлари ёши ва куч-қувватига қараб 60—90 тилладан сотилади. Лекин ҳозир бу нарх 30—35 тилладан ошмаётир, чунки улар бизнинг ҳукуматимиз томонидан олиб келишмоқда. Эроний асирларнинг баҳоси бу нархдан 15—30 тилла паст юради. Туянинг баҳоси 4 тилладан 12 тиллагача, қўй биздагидан қим-

мат, ҳўкиз ва отлар арзон бўлади; эшакнинг баҳоси 5 сўмдан 30 сўмгача боради, араванинг баҳоси 4—8 тилла, ҳозирда эса 10 тиллагача сотилади. Уларнинг оғирлиги тахминан 20 пудгача боради, гилдиракларига темир қопланмайди<sup>9</sup>. Бир ботмон бугдой (биздаги 49 ... га барабар) 60 тийиндан 1 сўмгача сотилади. Бошқа молларни ҳам ботмонга ҳисоблаганда баҳоси қуйидагича бўлади; жўхори 40—80 тийин; арпа 40—60 тийин; гуруч 2—3 сўм; кунжут 2—4 сўм; кунжут мойи 6—8 сўм; тариқ 40—60 тийин; туршак 3—4 сўм; чигити олинмаган пахта 3—4 сўм (ҳозир 2—3 сўм); чигитдан тозаланган пахта 8—10 сўм (ҳозир 7—8 сўм); пахта толаси 14—16 сўм (ҳозир 12—14 сўм); (пахта толасини хиваликлар бизларга 30 сўм ва ундан ҳам қимматга сотишади. Лекин Оренбургга олиб бориш учун сарф бўладиган йўл харажати хиваликлар учун ҳаммаси бўлиб 3—4 сўмдан ошмайди). Бир ботмон темирнинг баҳоси 8—10 сўм (ҳозир 18—20 сўм) туради; чўян 2,5—3 сўм (ҳозир 6—8 сўм); оддий плуг тиши 1—1,5 сўм, қўнғиротинки 2 сўмгача; ўроқ 50—75 пул; унча катта бўлмаган ва биздаги оддий болталарга қараганда икки барабар энесиз бўлган болталар 2—3 сўм (ҳозир 5 сўм); мотигалар 3 сўм (ҳозир 4—5 сўм); оддий белкураклар 2 сўм (ҳозир 3 сўм); чўян темирлени 3—4 сўм (ҳозир 6—6,5 сўм), узунлиги 4 саржинча, йўғонлиги 6 вершок бўлган қоратерак ходалари 12—15 сўм; бошқа хил ёғочлар буидан қимматроқ; арава ўқи ясаладиган гўлалар 11,5 сўм; этиклар 4—5 сўм (ҳозир 14 сўм); булғори чарм 10—12 сўм (ҳозир 30—40 сўм); порох 1—2,5 сўм; ерининг бир ташоби ўзининг сифатида ва жойига қараб 15—500 сўмгача боради; Хива ва Янги Урганчга яқинлашган сари ерининг нархи ошиб боради.

#### Касб ва ҳунармандчилик

Хива хонлигининг мануфактура ва фабрика соҳаотида йирик корхоналар йўқ. Хиваликлар пахта ва шпакни ҳар қайсилари фақат ўз оила эҳтиёжлари ёки чаканалаб сотиш учун ўз уйларида оддий усул билан ишлайдилар. Пахта савдоси, асосан, Янги Урганч ва Хивада бўлади, у ерлардан эса Россияга чиқарилади.

Пахта қуйидагича қайта ишланади: далада териб олинган пахтани аёллар қўлда пўчоқлардан тозалаб олишади, ундан кейин офтобда 3—4 ҳафта қуритишгач (агар пахта етилиб пишган бўлса, бир ҳафта ва ундан ҳам оз вақт қуритилади), чигитдан тозалангани, бу иш икки валикли (а, с) машина ёрдамида бажарилади. Бу, машина чертежида А литрли белги билан кўрсатилган. Бу икки валик а белгили соя ва валиклар учига ўрнатилган д, с белгили тишли гилдираклар воситасида айлантирилади. Гилдираклар бир-бирига қарама-қарши айлангани сабабли улар орасига туширилган пахта тишларнинг ҳаракати билан чигитдан тозаланиб чиқарилади. Шундан сўнг тозаланган пахта чархда йиғирилади, бунда бир қўл билан чарх қулоғи айлантирилса, иккинчисини билан чархда айланиб турган дугга ўралаётган пахта ипини тутиб турилади. Пахтани тозалаш, йиғириш ва ундан оддий бўз тўқиб чиқариш — хотинларнинг уйда ўтириб бажарадиган юмушлари жумласига киради.

Жуда кўплар, айниқса, шаҳарликлар косибчилик ва ҳунармандчилик

<sup>9</sup> Маслав деган казакнинг гапига қараганда, гилдирак тўғинларига балиқ елими суртилади, сўнг ёриқ ва четноқлари майдаланган кўмир аралаштирилган пахта мойи билан мойланади. Бу тadbир гилдиракни чиришдан сақлайди. Гилдиракларнинг баландлиги бир саржин, тегарчакнинг эни 1—1,5 вершок, қалинлиги 1—6 вершок бўлади. Гилдирак кесайларни одатда 18 дона қилиниб, йўғонлиги бир вершок қилиб ишланади, гупчакнинг узунлиги ярим газ. Уқининг узунлиги бизникидек бўлади.



билан шугуланишади. Бу ердаги асосий касб ва хунарлар тубандагилардир: биринчидан, қурол-аслаҳа ясаи, темирчилик, қўймачилик хунарали бор. Хиваликлар ўзлари милаиқ, қилич, найза ва бошқа қурол-яроғ ясаи олишади. Хўшир бу ерда қурол ясаида донг чиқарган икки уста бор, улардан бири Янги Урганчда, иккинчиси — Ҳазорасенда яшайди. Хивалик темирчилик устари, қайчи, ичиқ, ўроқ, тилдирақлар учун итулка<sup>10</sup>, арра, ботга, молга ва шу сингари турли туман темир ва иўлат буюмлар ясаишади. Рус асирлари, айниқса, уларнинг белкуракларини жуда мақтанишади, бу ерда темирдан ва чўни-темир аралашмаси қотишмасидан шиланган белкураклар бўлади. Булардан биринчи хили билардагидек ясалди ю, аммо, иккинчиси бошқачароқ, яъни тубандаги йўл билан ясади: қум аралаштирилган лойдан кўра ясаиб, ичи ўра қилиб кавланади. Уранинг чуқурлиги ва эни 0,5 газ бўлади. Уранинг бир ёнида тешик қозилрилиб унга иккита бошқон ўратилади. Кўрага кўмир сўнгра оғзини темир ва чўни тиланиб, кўмир ўг олдирилади. Бошқилардан берилган ламини татсирида кўмир алашга олиб темир билан чўни эрий бошалади, керак бўлса яна кўмир ташланиб оловини кучайтирилади. Кўрадаги металл бутунлай эриб, суяқ ҳолга келган ва ранги оқарган, темир чўмич билан ботириб олиб, қолин ўрнида таёёрлаб қўйилган қум ичига керакли микдорда қўйилади; шундан кейин тегишли шаклда қотиб қолган металл тобташ йули билан ҳақиқий белкурак шаклга келтирилади. Кўрага ёқини учун саксовул кўмири шилатилади; бу кўмир асирларининг янгишича, ёганда жуда зўр иссиқлик ҳосил қилар экан. Шуғ тиллари ҳам худди яна шу усул билан ясади. Қўнгиротда эса таёёр маҳсулотнинг мўртлигини камайтириш ва ёшиқоқлигини орттириш мақсадида қоринмага бир оз мис қўшиб эритишади. Бу тилларнинг а беллиги орқадаги қолин шаклда қўйилиб, унинг ичига кавик қолдирилган бўлади. Тил яна шу кавик орқали сўқага кийиштилади. Таёёр бўлган тилнинг уни айланиб урган тегишмон тошида чархляб, ўткир қилинади ёки сўқага кийдирилиб қаттиқ ерда ишга солишиб тобига келтирилади.

Иккинчидан, олтин ва кумуш буюмлар ясаидаган заргарлар бўлади. Учинчидан, тувак ва тинг қувончи хунарамандлар сопол идини ва тингларини янгоқ ёқиб иширишади. Идишлар ҳар хил ҳажм ва шаклда жуда пухта ва чиройли қилиб ясади. Булар бизникидан ҳам сифатлироқ; ҳар хил нақш-гуллар солиб ишланади. Қулоччилик лойига қамини момини ва шунга ўхшаш нарсалар қўйилади, натижада лой жуда ёпишқоқ ҳолга келиб, ундан катта ҳажмдаги идишлар ясаи осон бўлади. Хивада, айниқса, бу ердаги руслар орасида дурадгорлар ҳамда тўқувчилар, кесиблар кўн, татарлар орасида эса кийим тикувчилар, бундан ташқари кўнчилар, кигиз босувчилар, токарлар ва бошқа касб эгалари ҳам жуда кўн.

### Кемачилик

Хонликда кемачилик яқиндагина ривожлана бошлади. Кемалар фақат Шовот ва Полвон каби каналлардагина қатнамасдан, ҳатто, Амударё бўйлаб Бухорога ва Орол денгизи бўйлаб Сирдарёнинг қуйилиш жойига боради.

Асирларнинг берган маълумотига қараганда, юк ташувчи кўпчилик кемалар Хивадан чиқиб, Амударёнинг қуйилиш жойидан Орол денгизига тушади ва денгизнинг шарқий соҳили бўйлаб сузиб, Сирдарёнинг қуйилиш жойига боради. Хиваликлар бу узоқ сув йўлидан сузиб ўтаётганда, айниқса, Орол денгизининг ўрталарида бўладиган гирдобларга тушиб

қолишдан қўрқиб, мумкин қадар қирғоққа яқинроқ жойлардан ўтишади. У ерларга галла ва бошқа ҳар турли моллар олиб боришади; хиваликлар каналлар бўйлаб туз, кўмир, галла, қамини ташинишади, ёғочини сола қилиб оқинишади. Кемаларининг тағи ясаи бўлади, кеманинг икки томони, узунлиги солигани 2 ёки 3 та түсиндан, тағи ясаи қора теряқ ёки бошқа хил ёғочдан ишланади. Кеманинг ён томонлари тирноқ ва ўйиқ чиқариб бир-бирига маҳкамланган калта тахталар билан бекитилади. Бу тахталар ёғоч миҳлар поситасида узунлиги қўйилган түсинларга қоқилади. Миҳлар чирмайдиган тут ёғочдан ясади, тахталарининг уни темир скоблар билан маҳкамланади, шунингдек, кеманинг уни ва қўбруқлари ҳам темирлар билан бириктирилади. Кемалар учун қора теряқ, теряқ, сариқ тол кабилар боғларда ҳамда ариқ бўйларида хиваликлар ўзлари экиб-кўкартирган дарахт ёғочларидан ишланади. Қуриб битказилган кеманинг чок ва тирқишлари қамини момини билан яхшилаб беркитилади. Кеманинг рули ва елкани бўлмайди, уни узун ходалар ва қўпол ишланган эшаклар ёрдамида юргизилади, баъзан у ходаларга тахтачалар ҳам қоқинишади. Кеманинг китталини ҳар хил бўлади. Узунлиги 10 саржинга борадиган кеманинг эни 2,5, баландлиги 1,5 газ бўлади. Лекин узунлиги 12 саржин ва ундан ҳам ортиқ бўлган 700 пудгача юк кўтара оладиган кемалар ҳам бўлади. Бундай кемаларда устига юк ортилган 10 та гуя ёки 100 кишини бир йўла ташини мумкин; кема бир газ чамасида сувга ботиб туради. Аҳолининг жуда кўнчилигида, айниқса, ўз шахсий қайиқларига эга бўлларди бир ва иккитадан расмана кема бўлади. Ҳар бир шаҳарда яна шундай кемалардан 20 талаб бўлиб, улар фақат мол, галла, ёғоч, туз танишдан ташқари карвонларни Амударёдан ўтказишда ҳам ишлатилади. Карвонларнинг дарё бўйлаб Бухорога бориши учун Хонқа деган жойдан дарёни кесиб ўтадиган йўл асосий ҳисобланади. Янги Урганч, Турдан шаҳарларининг қаринида, Юмур шаҳрининг настрогидан Қишлоқ, Хўжайли, Қўнгирот шаҳарлари яқинидан ҳам кемалар нариги соҳилга юк олиб ўтади. Бундай ўтти жойларини ясаи кемалар талаб беради. Сувининг чуқур жойларидан ўтти қийинроқ бўлиб, буни юқориди тилга олишган ходаларнинг (эшаклар) ҳам ифти тегмайди. Кемани бир оз буриб дарё оқими бўйлаб солинади. Бу вақтда кема эшакка ўхшатиб ишланган узун ходалар ёрдамида бошқариб борилади. Шу йўсида кема сузиб бориб, саёз дуч келиб қолса, яна ходалар билан бошқаришга ўтилади. Дарёнинг бунда нариги қирғоғига ўтти учун кемани сув оқимига қарини, юқорига томон 4 чақирим ва ундан ҳам кўн ҳайдаб бориш лозим бўлади, лекин баъзан оқим аксинча уни орқага оқизиб кетади. Шу сабабларга кўра, дарёдан ўтти жуда машаққатли: иш ҳисобланади. Шунинг учун дарё суви кўнайган вақтларда кема бир-сўткуда бир марта дарёдан ўттини мумкин, сув камайган кезларда эса: икки марта ўтса бўлади.

### Йўллар ҳақида

Хива хонлигининг кўчалари, умуман, тор бўлиб, дала томонга кетганлари шудгор ўрталаридан кесиб ўтади. Эни 3—10 саржин келадиган кўчалар ҳам бор, бунақа кўчаларни сув тошқиндан сақлаш мақсадида уларни икки чети кўпичча кўтармалар билан ихота қилинган бўлади. Куз ва баҳор чоғлари, ҳатто, ёмғирли ёз кунларида ҳам кўчаларнинг кўни лой ва батқоқ бўлиб ётади, бунга сабаб бу ерларда, умуман, шўрхок ва лойли жойларнинг кўп бўлишидир. Айниқса, Амударё ёқалаб-кетган йўл дарё тошқини вақтида кўпичча сув остида қолиб кетади. Бунақа кезларда бу кўчадан аравалар мутлақо юрмайди, фақат отларга ёки туяларга миниб аранг ўтти мумкин. Кўҳна Урганчдан Хўжайлигача

<sup>10</sup> Сербар, ҳалқасимон темир.

ва хилан нари Қўширотга олиб борадиган кўча ҳам шу аҳволда. Шунинг учун сув тошқини вақтида, аравада Қўширот ёки Қорғумбат шаҳарларига бориш учун Кўҳна Урганч орқали Ойбугри шаҳрига ўтиб, ундан Устюрт бўлаб сўнг Қўширотга боришга тўғри келади.

Хива хонлигидаги кўчмачиларнинг Кўҳна Урганчга қадар бўлган йўлининг ҳар икки томонида қишлоқлари ва экинзорлари бор. Кўҳна Урганчдан Ойбугригача ва ундан нари Устюрт томонидаги ерларда ҳам экинзорлар, кўллар ва қамшизорлар бор. Бу ерларда йилқиччилик учун бой манбалари кўп, айниқса, баҳор ва ёзда ён қамшилар отлар учун яхши озуқа бўлади. Устюртнинг настаник ва биландиқлари Ойбугри Качак Суви ва Карагўшбет деган жойларга қараганда жуда қулай, ҳатто, аравалар ҳам ўтиши мумкин. Ҳаётрасидан Хивага ва ундан Шовот, Тошгауза ва Булдуҳисег шаҳарларига олиб борадиган йўл Хива хонлигида энг яхши ва қулай йўл ҳисобланади.

Хонликдаги ҳамма асосий каналларнинг йўллари кесиб ўтадиган дўбларига ён қўриқлар солинган. Бу қўриқлар шунчалик торки, ундан битта арвак зўрға ўтади. Унча катта бўлмаган ариқларда эса кўриқнинг ўзи бўлмайди. Ариқнинг йўли кесиб ўтган жойларида унинг икки томонини қишлоқиб, ясси ҳола яшиаб қилиб қўйилади, натижада бўйлаб яшиабликлардан аравалар ҳам ўтиб кеташерилади.

Умуман, хонлиқнинг жуда кўп ариқларида ён қамлиги сабабдан кўриқлар бўлмагани айрим тур қўшиқларнинг, масалан, тўлашар ва обозларнинг<sup>11</sup> ҳаракатини қийинлаштираётгани мумкин, чунки битта йўл бўйлаб битта колонна келадиган қўшин учун йўлнинг тор бўлиши олға силжидиши сусайтиради. Бундан ташқари, йўлларнинг ҳар икки томони, (бироз қумлоқлигини ва экин экинмайдиغان жойларни ҳисобга олмиганда) ичим-тилим ариқлар бўлиб кетган далаалардан иборатлигини ва ариқ ёқаларига дарихтлар экиб ташланганлигини ҳам қўшиннинг ҳаракатига тев бўлади.

### Халқнинг мол-мулк ва ҳуқуқ масалаларига қараб табақаланиши

Хива хонлигида мол-мулкка қараб бизларда бўладиган каби кескин айирмачилик йўқ. Ҳар қандай хивалик ёки, умуман, Муҳаммад умматни бўлган мусулмон киши ҳам савдогар, ҳам навкар, ҳам деҳқон, ҳам ҳунарманд бўлиши ва қул ишлатиб ерга ёки бошқа мулкка эга бўлиши мумкин. Лекин ҳамма мажбуриятларни ўз вақтида адо этиши, чунончи, жон бошига солиқлар тўлаши, канал ва ариқларни тозаланишга одам бериши лозим. Қул хўжанинг шахсий мулки ҳисобланганлиги, инсонлик ҳуқуқидан маҳрум бўлганлиги учун хўжалар қул учун солиқ тўламайди. Қўшиқликда 10 ва ундан ҳам ортиқ қуллар бўлади. Ўрта ҳол хиваликларнинг ҳам бир ёки икки қул бўлади. Қорақалпоқлар ҳам айни шу ҳуқуқларга эга бўлишади. Қорақалпоқлар тўлайдиган солиқлар бошқача бўлади, улар хон талабига мунофиқ, урушга ва шикорга чиқинига мажбурлар (хон ҳар йили кузда Амударёнинг қуйи оқимидаги жойларга шикорга чиқади). Бу ерларга кўчиб келган туркманлар жон бошига тўлашадиган солиқни хиваликлар билан бир хилда тўлашади, лекин хон талаби билан ҳар 10 хонадондан битта навкар беришлари лозим, бунинг эвазига хон оила бошига 10 танобдан ер беради.

Хива хонлигида халқнинг фақат бир гуруҳи, яъни ҳожилар деб аталган саидзода (Муҳаммад авлоди) руҳонийлар табақасигина алоҳида ҳуқуқларга эга бўлади. Улар ҳеч қандай солиқ тўлашмайди, ишланмай-

<sup>11</sup> аравалар карвони.

ди, хон каналлари ва ариқлар тозаланишга чиқарилабди. Ҳожиларнинг ҳаммаси 1500 оиладан иборат бўлиб, асосан, Хўжайли яқинида истиқомат қиладилар. Уларнинг асосий касби сийдогарчилик, деҳқончилик ва ҳунарманчиликдир. Улар ўзбек қабилалиридан келиб чиққанлар. Халқ ҳожиларни жуда ҳурмат қилади, ҳожилар хон назарида ҳам муътабар ҳисобланиб, баъзи ишлар ҳуСУСИДА хон улар билан кенгашади.

### Хонлиқнинг нуфуси

Баъзи маълумотларга асосланиб, Хива хонлигидаги аҳолининг сонини тахминан аниқлаш мумкин, юқериди хон каналларини қазини ва тозаланиш учун ҳамма хиваликларнинг жон бошига солиқ тўлаши ва одам бериши тўғрисида гапирилган эди. Ана шу ишлар бажарилаётган вақтда ҳамма ишлаётган ишчиларнинг аниқ сонини билиб олиш натижаСИДА солиқ тўлаган ҳамма аҳоли сонини ҳам билиб олиш мумкин.

Петр Маслов деган казалиқнинг айтишича, бундан ўн йил илгари хиваликлар қўлиди асир бўлган чоғида Шовот каналларини қазинида шикорат эгган. Ана шунда ҳар 200 ишловчига 50 саркидан канал қазини тақсимланган, қазилаётган канал эса Шовотдан Омбор деган жойгача бўлган 20 чақиримлик масофига чўзилган эди. Ана шу ҳисобга қараганда, каналга 40000 киши ишлаган бўлиб чиқади, Масловнинг ўзи ҳам ўнла вақтда худди ана шунча нафар одам ишлаганини эшитган эди. 15 кундан кейин уларнинг ўрнига ишловчиларнинг бошқа навати келган. Уларнинг сони ҳам худди шунча бўлган. Айни шу вақтда Подпои каналда ҳам 40000 киши ишлаган. Шундай қилиб, бутун хонликда канал қазинига келган ишловчилар 120 минг кишини ташкил қилган. Ҳар бир хонадон ёки қозонбонидан бир ишловчи чиққанлиги сабабдан хонадонларнинг сони ҳам 120 мингга тўғри келади. Ҳар қайси хонадон, ўрта ҳисоб билан, 4 жондан деб ҳисобласак, 480000 рақамни келиб чиқади. Бунда солиқ тўлайдиган асл хиваликларнинг нуфуси келиб чиқади.

Хива қўшинидаги 40000 навкарни назарга олсак, уларни юборган хонадон ёки оиланинг сони ҳам шунча бўлади; туркманлар ҳам тахминан 1000 хонадондан иборат, қорақалпоқлар 10000 уйлик. Шундай қилиб, бояги 120.000 оила билан ҳаммаси бўлиб, 171.000 оила сони келиб чиқади. Ҳар бир оила ўрта ҳисоб билан 4 кишидан иборат деб ҳисобласак, хонликда яшаб турган бутун аҳолининг нуфуси 684000 киши эканлиги келиб чиқади, лекин бу 10 йил илгариги ҳисоб. Агар кейинги вақтларда қўшилган асирлар ва қулларни ҳам бирга қўшиб ҳисоблаганда хонликда яшаб турган аҳолининг сонини 800000 кишидан иборат дейиш мумкин. Хонга тобе бўлган кўчманчи қирғизлар ва туркманлар бу ҳисобга кирмайди.

### Хоннинг даромадлари ҳақида

Хон қуйидаги даромад манбаларига эга:

1) Ҳожилар, навкарлар ва кўчиб келган туркманлардан ташқари барча ўтроқ овоз хиваликлардан жон бошига солиқ ундириб олинади. Бу солиқ 3 даражага бўлинади: энг бадавлат кишилар хонадон ёки қозон бошига 3 тилладан (бизнинг пулга айлантirik ҳисоблаганда сал кам 45 сўмга тўғри келади), ўртача давлатмандлар 2 тилладан, камбағаллар эса 1 тилладан тўлайди. Бу солиқни хонлик амалдори қўшбегни йўғади. Халқни даражаларга бўлиш, рўйхатга олиш ҳам ана шу қўшбегни қўлада бўлади. Солиқ сонини учун ҳар 6—7 йилда бир марта рўйхат қилинади. Чунончи, қўшбегни хонлиқни айланиб чиқар экан, округ оқсоқолларидан ва имомлардан маълумот олади. Имомлар қасамёд қи-

ишиб, ўз қўл остида бўлган хонадонлар сони ва уларнинг аҳоли ҳақида хабар берадилар. Қўшбети улар берган маълумотларга ишониб рўйхат тузади ва шунга асосан солиқ йиғилади. Агар оила бошлиғи ўлиб қолса, у хонадон солиқдан озод қилинади. Маслов деган казакнинг гашига қараганда 3 тилладан солиқ тўловчи хонадонлар аҳолининг ярмини, 2 тилладан тўловчилар учдан бирини, қолганлари 1 тилладан солиқ тўловчи хонадонларни ташкил қилади. Шў ҳисобга кўра 120000 сўм солиқ ундирилиб олинган бўлади. Бу солиқ хиваликларнинг тинкасини қуритади, айниқса, солиқ йиғишга мутасадди бўлган амалдорлар фирибгарлик ва алдамчилик қилинади.

Қурақлашқлар ва Хива атрофидаги кўчманчи қирғизлар қўй бошига 25 тиғин ва йирик қорамол бошига 74 тиғин ҳисобидан чорва солиғи тўланади, йилда ва туялар учун солиқ олинмайди. Пули йўқлар баҳосига қараб чорва билан тўлайверади. Кўчманчи туркманлардан эса ҳар қирқ бошига бир ҳисобидан чорва солиғи олинади.

2) Хонга қарашли ерлардан келадиган даромадлар, Хива хонлигининг экин экиладиган ерининг қарийб ярмига хоннинг ўзига қаралидир. Хон бу ерларнинг бир қисmini маон ўришда амалдорларга улашиб берган, бир қисмига ўзининг шахсий қўллари орқали экин эктиради, бир қисmini эса ижарага беради, ижара ҳақи хоннинг жўмардлигига боғлиқ: учдан бир, тўртдан бир, бешдан бир қилиб белгиланади. Бундан бир талай даромад йиғиб олинади.

3) Бождан келадиган даромадлар, Хива хонлиги орқали Россияга, Эронга ва Бухорога борадиган ёки Хиванинг ўзидан чиқиб кетадиган савдо қаровонларидан ҳар бир юкка туя бошига 1 тилладан бож олинади. Хивага кириб келган моллардан эса қирқдан бир улуш олинади. Бундан ташқари, бозорларда сотиладиган жами моллардан ҳам бож олинади. Ёнга туя сотганини учун — 3 сўм, от, хўкиз, сиғир учун — 1 сўм, қўй учун 50 тиғин, қўя сотганини учун — 15 сўм ҳисобида хонлик хазинасига бож тўланади; шунингдек, келтирилган асирларнинг ўндан бири, баъзан эса бешдан бири хонга тегишли ҳисобланади.

4) Хон дарахтзорларидан кесиб олинган ҳар арава ёғоч учун 1 сўмдан жарима олинади.

5) Хива ерлари атрофида кўчиб юрадиган кўчманчи қирғиз ва туркманлардан улар босиб олган молларнинг ўндан бир улуши ҳисобида ўлпон олинади. Хонлик ерида жойлашиб қолган туркманлар, қорақалпоқлар ва озод этилган қўллар биринчи икки ёки уч йилгача ҳамма жарималардан озод қилинади.

6) Хонга қарши жинойт қилган кишиларнинг бутун мулки хон тасарруфига ўтади.

7) Меҳмонхоналардан келадиган даромадлар, совғалар ва яна бошқа мил даромадлар ҳам хоннинг хазинасига тушади.

## Кўшин

Хива хонининг кўшини қуйидагича ташкил топган: 1) Маош олиб хизмат қилаётган сартлар ва ўзбеклардан. Навкарликка кўпинча солиқларни тўлашга қурби етмаган камбағаллар ёзилади. Навкарликка ёзилган ҳар бир кишининг яхши оти бўлиши керак, меҳтарнинг буйруғи билан отга тамга босилади ва шундан бошлаб, бу от лашкарга қарашли ҳисобланади. Навкарликка ёзилган киши ҳарбий юришларга ўз отини миниб чиқади. Собиқ казак асирларнинг айтишича, хиваликлар, хонлик лашкарининг сони 40.000 навардан иборат, деб айтишган. Лашкарга ёзилган кишининг оиласи солиқлардан, хон каналларини қазинишга чиқаришдан озод этилган. Ҳар қайси юришдан сўнг наварлар 5 тилладан, ҳарбий амалдорлар эса кўрсатган хизматлари ва хоннинг жўмардлигига қараб,

10, 20, 50, 100 тилладан ва ундан ҳам кўпроқ нисом олинади. Бийлар 50-100 тилла, кз бошилар 10-20 тилладан олинади. Шунинг ҳам айтиши керакки, фақат амалдорларгина пул маоши олинади, оддий наварларга эса хон тайин қилган баҳода галла берилади. Хон лашкарини яхши деб бўлмайди. Лашкарга яхши отлар таппаб олинса-да, юришларда ем-хашаниннг етнимаслиги сабабли кўп отлар ўлиб кетади. Юришда ўлган от учун эгасига фақат 5 тилла тўланади, холос. Шунинг учун кўплар юришга ночор от билан чиқишга ҳаракат қилади, баъзилар ўз ўришга одам ёллаб юборади, порахўр амалдорлар бундай найранглардан кўп фойда кўришади.

Тинч вақтларда наварлар ҳеч қандай маош олинмайди. Улар ўз мулкида яшиб, хўжалик ишлари билан шуғулланишади. Агар хон бирон бир юришга чиқини ихтиёр қиладиган бўлса, одатда бир неча ҳафта ёки ой илгари бозорларда жар солиради, бундан хабар топган наварлар белгиланган кунга тайёр бўлишлари ва отларини боқинилари лозим. Бунда йиғилиш вақти ва жойи белгиланади. Белгиланган вақтда хоннинг ўзи ёки биродари тўплар билан қуролланган кўчилик сартлардан тузилган Хива атрофидаги лашкар билан юришга чиқади. Лашкарининг йиғилиб улгурмаган қисми ҳам бўлиб, хон буйруғига бинсон унинг кетидан йўлга чиқади. Пулга ҳаққан хон, одатда, қолган лашкари кутиб бирон бир чўлда 10-15 кун қўниб туради. Юриш вақтида хон лашкари озиқ-овқат билан тазминламайди. Ҳар бир навар ўз ризқини ўзи топиб ейиши керак. Одатда 2 ёки 3 навар шерик бўлишиб 1-1,5 ойга етадиган ўз озиқ-овқатларини туяга юклаб олинади, камбағаллар эса овқатни ўзлари минган отда олиб юришади. Озиқлари тугаса, ўғирлик, босқинчилик, талончилик қилинади. Ўғирларда учраган қорамол ва йилқиларни сўйиб гўштини олинади. Хон алоҳида ўриш кўрсатган наварларга ўз аслада хонасидан милтиқ, ўқ ва порох нисом қилади. Бундай наварлар юришда ҳам, жангда ҳам хонга яқин жойда юради, ушн муҳофиза қилади. Бундай наварлар энг мушкул дамларда хавфли жойларда жанг қилишади. Улар 1000 нафар бўлишади. Қолган наварлар дуч келган нарсалар билан қуролланган бўлади. Умуман, лашкарларнинг жуда озчилигида милтиқ бўлиб, уларнинг асосий қуроли найза, қилич, ўқ-ёй ва шу кабилардир. Уларнинг милтиқлари оғир бўлса-да, бунинг устига тепкисиз бўлиб, иллик ёки отилади. Отини секин бўлса ҳам кўпчилик ўқ хато кетмайди ва 100 саржин масофадаги одамга тегади. Ўқларин қўрғоқинидан ўзлари қуйишади. Отлик лашкар орғидан тўплар олиб юрилади. Хоннинг тўплари унчалик кучли эмас. Хон саройида энг каттасининг оғзинга муштум аранг сигадиган кичик калибрли 20 тача тўп бор холос; улардан 6 тасигина, асирлар хабарига қараганда, лафетга (станок) ўрнатилган бўлиб, юришларга олиб чиқилади. Бу тўплар яхши ўрнатилмаган бўлиб, уларнинг чуқурча бўлиб қолган жойлари бор, бу тўпларда нишонга тўғри отиб бўлмайди, ёмон порох тушиб қолса отилган ўқ 100 ёки 150 саржиндан узоққа бормайди. Ҳозир тўп ўқи чўяндай қуйиладиган бўлди. Илгари темирни тоблаб ясаларди, лекин ўқларнинг ўлчови тўпнинг калибрига мутлақ тўғри бўлиши кераклиги ҳақидаги қондага амал қилинмайди. Ўқлар, одатда, кигиз ёки латтага ўралиб тўп оғзинга солиб отилади. Порохни хиваликлар ўзлари ишлаб, бозорларда сотишади, лекин улар жуда сифатсиз бўлади; асирларнинг айтган сўзига қараганда, Хивада бизнинг порох ҳам бўлади. Тўп хизмати учта тўпдан иборат бўлиб, ҳар бирида 4 тадан рус асир, 2 ёки 3 тадан эроний қўллар туради. Бундай тўп хизмати энчиқ ҳаракат қилмайди, 100 саржиндан ҳам нишонга теккизолмайди. Ҳозирги хон томоша учун баъзан машқ ўтказадди, бунда у тўпнинг фақат тез ва қаттиқ овоз чиқариб отишга қизиқади, ўқнинг нишонга теккан-тегмаганлиги билан иши бўлмайди. Юришларда тўпларни 4 та ёки 5 та, ҳатто, ундан ҳам кўп от тортиб

варади, порох ёқлар эса отларга орталади. Умуман, бу тўйлар муштарамликлар учун қўриқилган эмас ва хиваликларнинг ўзлари ҳам ушунини қўриқилиш мақсадида ишлаганида.

2) Хива хонлиги ерида ўришни қолган туркманлар ҳар 10 хонадонга биттадан навкар берилади. Буларга ҳам хонликдан маош ва озиқ-овқат берилмайди, туркманлар ўз истаклари билан юришларга чиқарилади.

3) Хива хонлиги иқинидаги кўчманчи туркман ва қирғиз ҳамда қорақалпоқлардан солиқ тўлашга қодир бўлмаганлари юришларга чиқинга маъбуриятлар. Улар ҳам маош ва озиқ-овқат билан таъминланмайди, юришга чиққанда эса боқимчилик қилинади. Шунинг учун ҳам уларнинг кўни юришларга кўнгилли бўлиб чиқади.

Хон навкарлари орасида туркманлар энг доворак ҳисобланади. Лекин улардан бу довораклик қизиққонлик ва тезоблик бўлиб, бир-бири ҳужумдан сўнг сўниб қолади. Шундан кейин агар душман уларга гаплашиб қолгудек бўлса, туркманлар қочинга чоғланадилар. Қорақалпоқлар, аксинча бўлиб, яхши навкар ҳисобланишади, мудофаада туришганда кўндан-кўп душман ҳужумларини мардларча қайтаришади. Ўзбеклардан ҳам ботир навкарлар кўп чиқади, лекин сартлар қўрқоқ ва ироласиз бўлишади.

### Давлатни идора қилиш усули ва илм даражаси

Хива хонлигини идора қилиш усули яқка ҳокимлик асосига қурилган бўлиб, ўлим жазосидек оғир ҳукмларни ҳам хоннинг ёлғиз ўзи чиқаради, қогозга ёзилган ва аниқ бўлган қонунлар йўқ; кишиларнинг ҳуқуқи аниқ белгиланмаган. Халқни ривоят, урф-одат, қуръон ва умум маслаҳати билан идора қилинади. Шунинг учун ҳам зўравонлик, адолатсизлик ҳодисалари кўпга содир бўлиб туради. Порахўрлик катта-кичик барча амалдорлар ўртасида одат тусига кириб қолган, ҳатто, хоннинг ўзини ҳам ҳар қандай иш учун маълум миқдорда совга бериш билан қўлга олиш мумкин.

Ҳозирги хон ўз қўл остидаги фуқаролари ерларининг яхши аргумоқларини ва шунга ўхшаш шахсий мулкларини агар ёқтириб қолгудек бўлса, зўрлик қилиб тортиб олган вақтлари кўп бўлган; унинг амалдорлари ҳам бу ишда хондан қолинмайдилар. Халқ хондан пороз, бироқ бунга сабр қилиш одат бўлиб қолган. Халқ наздида ҳокимият ва зўравонлик бир-бирдан ажралмас тушунчалардир. Бизнинг ҳукуматимизнинг рисоладаги ҳукумат эканлини, инсонпарвар ва адолатли эканлини хиваликлар биланади, ҳатто, баъзилари рус асирлари билан гаплашиб қолганда, руслар келиб Хивани олганга эди, деган истақларни билдиришади. Улар Бухоро қум остида қолади, Хивани сув ва руслар хароб қилади деган ривоятларга ишонадилар. Умуман ўз хонига ихлос қўйган хивалик жуда кам; кўпчилик халқнинг ҳаёти зулм ва зўравонлик исканжанидан ўтади. Ислом ақидалари, айниқса, халқ заковатини, қобилиятини ўтмас қилиб қўяди. Хиваликлар агар уруш бўлиб қолса хонни ҳам, ватанларини ҳам ҳимоя қилмай, балки ўз шахсий мулк ва манфаатларини кўзлаб, мол-мулкларини кўтарганларича паноҳ излаб қочиб кетишган бўлишарди. Новоалександровск истеҳкоми барпо қилинган вақтда қорақалпоқлар ва туркманлар шамол қаёқдан турса, биз ҳам ўша ёққа, деган гапини айтишган эди.

Хон йўқ вақтларда унинг ўрнида укаси ўтиради.

Хива хонлигидаги асосий амалдорлар: 1) вазир ёки қўшбег биричи амалдор ҳисобланиб, у каналларни қазитиш учун ишловчиларнинг рўйхатини туздирди ва хонликнинг Кўнгиротдан Хивагача ва ундан

Янги Ургангача бўлган Шимолий қисмида солиқларни йиғида, жанубда Нистияккача бўлган ерларда эса хоннинг укаси учун махсус амалдорлар солиқ йиғида. 2) Меҳтар навкарларга маош тўлаш, уларга хизмат наряди тузини билан шугулланади. 3) Меча маҳрам ва унга ёрдамчи Хўжа маҳрам каровилардан, Хивага келтирилган қорамолдан ва бозорларда сотиладиган моллардан закот йиғида. 4) Ёйилар тиш вақтларда ўз зиммаларига тошириб қўйилган шаҳар ва округларни идора қилади; қўшбегнинг фармонига биноан солиқ йиғида. 5) Қозилар ёйилар билан биргаликда суд қилишади, кишилар ўртасидаги жанжалларни ҳал қилишади; бий бўлмаган вақтларда унинг ўрнида иш кўришади. 6) Раислар шаҳарликлардан бўлиб, шаҳарларда тартиб сақлашни, бозорларда тўғри ўлчаш устидан ва диний маросимларнинг бажарилиши устидан назорат қилиб юришади. 7) Бачманлар Меча маҳрам қўл остидаги хизматчилар бўлиб, шаҳарларда ва бозорларда сотилаётган чорва молларидан закот йиғишади. 8) Юз боши уруш вақтида хизмат қилувчи кичик амалдор. 9) Ясовуллар хон каналларини қазитиш устидан назорат қилади.

Хива мусулмонлари суннийлар мазҳабига мансубдир. Шунинг учун ҳам уларга эронийларни қўл қилиш ҳуқуқи берилган. Охун руҳонийларнинг бошлиғи ҳисобланиб, у Хивада истиқомат қилади. Ҳожилар, қозилар, раислар, муллалар, имомлар унинг қўл остида ҳисобланади. Имомлар худога ибодат қилиш маросимларини амалга оширади. Давлат қарамоғида бўлган бола ўқитиладиган билим юртлари йўқ. Лекин хусусий кишилар қўлида мактаблар бўладик, унда муллалар болаларга савод ва қонуиларни ўқитишади. Саводли кишилар анчагина бор. Ерин тановлаб ўлчашларига қараганда, хиваликлар геометриядан бошлангич тушунчага эга ва уларда қандайдир ер ўлчовлари бор дейиш мумкин. Халқ жуда ишчан ва меҳнатқаш, бироқ жуда таъмағирлик, товламачилик ва ўғриликка мойил бўлади. Айниқса, қўллар ва туркманлар кўпроқ ўғрилик қилишади, анчадан бери ичкиликбозлик авж олган. Сартлар ва ўзбекларнинг амалдорлари порахўрликка шунчалик муккасдан кетганки, ҳар қандай вазиятда ҳам пул бериб, уларни қўлга олиш мумкин. Бу ерда ўғрилик, товламачилик, жанжал, каналларда сувни бўғиб қўйганликлари учун, ҳатто, одам ўлдириш каби жиноятлар ҳам тез-тез бўлиб туради. Айниқса, сув камчил вақтларда баланд жойларда яшовчилар канални бўғиб, ўз ерига оқизиб қўйишади, шу туфайли этакда яшовчилар сувсиз қолишади.

\* \* \*

Юқоридагилардан маълумки, Хива хонлиги илм-фан соҳасида паст даражада туради, лекин бу ерда деҳқончилик, боғдорчилик ва гидротехника ишларининг аҳволи яхши. Бу халқнинг турмушида илгариги кўчманчилик ҳаётининг асорати ҳали ҳам сақланиб қолган. Хонлик аста-секин кучайиб бормоқда; аҳоли кўпаймоқда, каналлар кенгайтирилмоқда, уларнинг умумий узунлиги ошмоқда, яна янгилари қазилмоқда; кўчманчи халқлар хон томонидан қилинаётган имтиёзлар туфайли ўз куч ва имкониятларини ривожлантиришга бажону дил киришмоқдалар.

Ҳозирги вақтда Хива ўзининг асосий эҳтиёжларига кўра Россияга жуда боғланиб қолмоқда. Бу эҳтиёжларнинг энг муҳими ва асосийси темир ва чўян бўлиб, ундан белкуррак, ўроқ, мотиға, болта, омоч тиши, мийтиқ, қилич, пичоқ, искана, найза ва бошқа энг зарур қуроллар яса-

илади. Белкурак иморат солиш, девор қуриш, канал қазини ва боғдорчилик ишларида керак бўлади. Белкураклар бу ердаги оғир ва тишимсиз ишларда фақат 2 ёки 3 йилгача чидаш беради. Ҳар бир хонадонда биттадан белкурак бўлса, унинг вазнини 5 қадоқдан деб ҳисобласак, у ҳолда жами хонадонлардаги белкуракларнинг умумий вазини (уларнинг соли 100000) 200000 пудни ташкил қилади. Демак, ҳар икки, уч йилда биригина белкураклар янаи учуғини яна шунча металл керак бўлади, йилга яна бу эҳтиёж учун 6—10 минг пуд металл керади. Омоч тиши ҳам шунча вақтга етади. Агар битта тишининг ўртача вазнини 5 қадоқ деб олсак, ҳамма хонадонлар учун омоч тишлари қўйишга ҳар йили 6 минг пуд керак кетади. Бундан ташқари ҳар хил уй рўзгор буюмлари, сик, мола, ҷира, кемаларни бириктирадиган темир қисм, қурол-аслаҳа ва турли-туман асбоблар янаи учун ҳам анча миқдорда темир ва чуён зарур. Яна Россиядан олинадиган бошқа зарур нарсалар, чунончи: аччиқтош, тўтиё ҳамда пойабзал, юган ва бошқа анжомлар ишлан учун булғори чарм ҳам борки, аҳолининг кўнаиб бориши билан буларга бўлган эҳтиёж ишдан йилга ошадиган, бинобарин, Хива халқининг, умуман, Урта Осиёдаги ўтроқ халқларнинг Россияга қарамлиги ҳам ошиб боради. Чуён ва темир Урта Осиёга фақат Россиядан келтирилиши мумкин. Келтириладиган пахта, пахта маҳсулотларини, ҳар турли меваларни хиваликлар фақат бизга сота оладилар, лекин бу маҳсулотларни Бухорога, Эронга ва Афғонистонга сотишолмайдн, чунки Хивага керакли моддн Россия етказиб бера олади. Шунинг учун ҳам хиваликлар савдо ишларида дамоман Россияга қарамдир.

Хивадан жўнатилган бир неча асирлар Оренбургга келиши натижа-сида у ердаги савдонинг аҳволи тўғрисида ахборот берган. Бу ахборотлардаги маълумотларни назарга олганда, бизнинг Урта Осиё билан бўлаётган савдонинг бундан буён яхшилашинига умид қиламиз.

Хива савдогарларининг ҳукумат томонидан Россияда ушланиб қоли-шини Хивада рус молларининг нархини фавқулодда кўтарилиб кетинига бевосита туртки бўлди. Буни 1837 йил январда Хивага юборилган Бухоро вакили тузган тубадаги 2-жадвалдан кўриш мумкин.

Бу нархлар бир жойда туриб қолмай, балки чарм, тахта тунука каби молларнинг нархи янада ошиб кетмоқда. Бу ўринда Янги Урганч аҳолисининг (Хива хонлигининг энг катта саноат маркази) Амударё бўй-лаб сув йўли орқали Бухоро билан алоқа қилаётганликлари ҳам, хон-нинг буйруғи билан Бухоро карвонларини Хиванинг ҳар икки томонидан шаҳарга мажбуран киритиб, Россиядан олиб келинаётган молларнинг бир қисмини соттирилиши ҳам бунга ёрдам бермаётир.

Шунга қарамай, Хиванинг Россия билан алоқаларини тўхтаб қолини Хива учун зарар қилган ҳолда, бизнинг савдомизга зарар бериш у ёқда тургани, савдомизнинг кенгайишига, ҳатто, фойда келтиришига сабаб бўлди.

Божчилар берган маълумотларга кўра, четга мол чиқариш 3-жад-валгагачадек бўлган.

